КОММУНИСТИК БУНЁДКОРЛИК ЙЎЛИДАН

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 232 (7372). ● 5 декабрь, 1980 йил ◆ Ж У М А ● Баҳоси 2 тийин.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

ОБЛАСТЬ партия ташкилотлари, совет ва қишлоқ хўжалик органлари, барча дала меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг октябрь (1980 йил) Пленуми қарорларини, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган қонда ва хулосаларни зўр мамнуният билан кутиб олдилар ва бу муҳим ҳужжат ҳамда кўрсатмаларни КПСС XXV съезди қарорларини ҳаётга татбиқ этиш учун курашда жанговар иш программаси сифатида қабул қилдилар.

Колхоз ва совхозларда 1981 йил кўкламги экиш кампаниясига ўз вақтида сифатли тайёргарлик кўриш юзасидан социалистик мусобақа тобора кенг қулоч ёймоқда. Пискент райони қишлоқ меҳнаткашлари 1981 йил ҳосили учун кузги-қишки тадбирлар комплексини қулай ва қисқа муддатларда сифатли ўтказиш юзасидан қимматли ташаббус билан чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитети Пискент район партия комитети, район ижроия комитетининг 1981 йил ҳосили учун кузги-қишки ишларни муваффақиятли ўтказиш юзасидан белгилаган тадбирларини маъқуллади.

Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, область касаба союзлари Совети, область комсомол комитети, қишлоқ хўжалик органлари, хўжаликларнинг раҳбарлари ва бошланғич партия ташкилотлари зиммасига Пискент районининг қимматли ташаббусини колхоз-совхозларнинг меҳнат коллективлари ўртасида муҳокама қилиб, кузги-қишки ишларни ўз вақтида сифатли ўтказиш юзасидан социалистик мусобақани кенг авж олдириш вазифаси юклатилди.

Область газеталари, область телевиденеси ва радио эшиттириш бош редакцияларига хўжаликлар, бригадалар, сув хўжалиги ташкилотлари ўртасида 1981 йил ҳосили учун кузги-қишки тадбирлар комплексини ўз вақтида сифатли ўтказиш юзасидан бошланган социалистик мусобақани кенг ёритиб бориш топширилди.

ПИСКЕНТ РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ВА РАЙОН ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ 1981 ЙИЛ ҲОСИЛИ УЧУН КУЗГИ-ҚИШКИ ТАДБИРЛАРНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТКАЗИШ ЮЗАСИДАН

Т А Д Б И Р Л А Р И

ПИСКЕНТ райони қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари партия XXV съезди ва КПСС Марказий Комитетининг июль (1978 йил) Пленуми қарорларини амалга ошира бориб пахта, дон, сабзавот, мева, узум етиштириш ҳамда давлатга сотиш юзасидан ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йили план ва социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажардилар. Чорвачилик маҳсулотларини тайёрлаш ҳам ўтган йилдагига нисбатан жадал суръатларда олиб борилмоқда.

Район пахтакорлари катта ғалабани қўлга киритдилар. Биринчи марта ҳар гектар ердан 36,7 центнердан ҳосил йиғиштириб олиниб, давлатга 51923 тонна «оқ олтин» сотилди. КПСС Марказий Комитетининг октябрь (1980 йил) Пленуми қарорларидан, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг мамлакатнинг озиқ-овқат ва хомашё базасини мустаҳкамлаш соҳасидаги кўрсатмаларидан ғоятда руҳланган район колхозчилари, совхозларнинг ишчилари, қишлоқ хўжалик органлари ҳамда хўжаликларнинг раҳбарлари ва мутахассислари 1981 йилда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан эртаки ва мўл ҳосил етиштириш учун мустаҳкам асос яратиш мақсадида кузги-қишки ишларни қизғин авж олдириб юбордилар.

Район партия комитети, район ижроия комитети, хўжаликларнинг партия ташкилотлари, раҳбарлари ва мутахассислари деҳқончилик маданиятини ҳамда қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини оширишнинг асосий ҳисобланган кузги-қишки тадбирларни ўз вақтида сифатли бажаришга жиддий эътибор бермоқдалар.

Шу мақсадларда кузги шудгор ўз вақтида сифатли ўтказилди. Ҳайдаб қўйилган жами 18 минг гектар майдоннинг 10 минг гектари икки ярусли плуглар билан шудгор қилинди. Ҳайдаш олдидан 12,8 минг гектар майдонга фосфорли ва калийли ўғитлар солинди.

Ҳар бир хўжаликда органик ўғит оборoти жорий этилган. Бунинг учун маҳаллий ўғит ва компост тайёрлайдиган махсус бригадалар ташкил этилиб, улар зарур миқдорда транспорт ва бошқа техника воситалари билан таъминланган. 1981 йил 20 мартга қадар 120 минг тонна органик ўғит тайёрланади.

Ҳамма хўжаликларда ерларни тартибга келтириш ишлари олиб борилади. Ортиқча ариқлар ва йўллар йўқотилади, карталарнинг четларидаги дўнгликлар текисланади. Карта ўртасидаги якка дарахтлар олиб ташланади. Бунинг учун ҳар бир хўжаликда махсус механизациялашган отрядлар тузилган. 1981 йил 1 мартгача 470 гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланади. «Ўрисариқ» каналининг икки километрига бетон ётқизилади, 1843 минг куб метр ҳажмдаги суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари тозаланади.

Бу ишларни бажариш учун 18 та экскаватор ва колхозчи ҳамда совхоз ишчиларидан 2765 киши ажратилади. Уларнинг юксак унум билан меҳнат қилишлари учун барча маданий-маиший шароитлар яратиб берилади, механизмларнинг икки-уч сменада ишлаши таъминланади.

90 гектар ерни капитал текислаш ишлари 1981 йил 1 мартгача тугалланади. 1 майгача эса 150 гектар янги ер қишлоқ хўжалик оборотига киритилади.

«Госкомсельхозтехника» район бирлашмаси корхоналарида ва хўжаликларда қишлоқ хўжалик техникасини ремонт қилиш бригадалари ташкил этилган. Экиш агрегатларини тайёрлаш 1981 йил 20 февралгача тугатилади. Дон ва силос ўрадиган комбайнлар, пахта териш машиналари 1 апрелгача ремонтдан чиқарилиб, ишга шай қилиб қўйилади.

Шу йил декабрь ва 1981 йилнинг январь ойларида илғор тажриба мактабларида бригада бошлиқлари, механизаторлар, колхозчилар ва совхозларнинг ишчилари пахта, маккажўхори ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларига ишлов бериш ва мўл ҳосил етиштиришнинг илғор агротехник усуллари бўйича ўқитилади.

Экиш кампанияси бошлангунга қадар, яъни эрта кўкламда қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши профилактик кураш тадбирлари комплекси сифатли амалга оширилади. Камида 10 минг гектар майдондаги гўзага кўсак қуртига қарши ёз ойларида ишлов бериш, бунинг учун трихограмма ҳашаротини кўпайтириш мақсадида 1-«Пискент» совхозидаги биология лабораториясининг иши кучайтирилади.

1980 йилги ишларни чуқур анализ қилиб, шу асосда 1981 йил 1 январга қадар қолоқ бригада, бўлим ва чорвачилик фермаларини илғорлар даражасига олиб чиқиш юзасидан конкрет тадбирлар ишлаб чиқилади.

1981 йил 1 февралгача ҳамма хўжаликларда қишлоқ хўжалик экинларини натура бўйича жойлаштириш тугалланади. Бунда алмашлаб экиш схемаси ва ихтисослаштириш масалалари ҳисобга олинади ҳамда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш планлари ва технологик карталари ҳар бир бригада, звено ва фермаларга етказилади.

1981 йил ҳосили учун кузги-қишки тадбирлар комплексини ўз вақтида ва сифатли ўтказиш устидан оператив раҳбарлик қилиш мақсадида район штаби тузилган. Штаб ҳар 10 кунда ишга якун ясаб, йўл қўйилаётган камчиликларни йўқотиш юзасидан конкрет чоралар кўради, бу ишларнинг бажарилишини мунтазам назорат қилиб туради.

Район партия комитети, район ижроия комитети, касаба союзлари район комитети ҳамда район комсомол комитети томонидан хўжаликлар, бригадалар, сув хўжалиги ташкилотлари ўртасида 1981 йил ҳосили учун кузги-қишки тадбирлар комплексини ўз вақтида сифатли бажариш юзасидан ўтказиладиган социалистик мусобақанинг шартлари ишлаб чиқилиб, тасдиқланган ва айни кунларда ўзаро меҳнат беллашуви кенг авж олдириб юборилган.

(Ушбу тадбирлар Пискент район партия комитетининг қишлоқ хўжалик органлари ҳамда колхоз-совхозларнинг раҳбарлари ва мутахассислари иштирокидаги кенгайтирилган бюро йиғилишида ишлаб чиқилиб тасдиқланган, хўжаликларда муҳокама этилган).

ТОШКЕНТ. Пойтахтдаги Октябрь революцияси номли тепловоз-ремонт заводининг пўлат қуйиш цехи ишчилари КПСС Марказий Комитетининг «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» лойиҳасини қизғин кутиб олдилар.

Суратда: цех комитетининг раиси Тамара Землянко цех ишчилари билан КПСС Марказий Комитетининг қарори юзасидан суҳбат ўтказмоқда.

А. Горокрик фотоси. (ЎзТАГ).

ИСТИҚБОЛ КЎЗГУСИ

Мамлакатимиз кишилари Ленин партияси раҳбарлигида КПССнинг қатор съездларни ишлаб чиққан, оламшумул аҳамиятга эга бўлган режаларни амалга ошира бориб, коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришда ва совет меҳнаткашларининг фаровонлигини оширишда янгидан-янги муваффақиятларга эришмоқдалар.

Коммунистик партия бизни ҳамиша ютуқлардан тўғри хулоса чиқарган ҳолда,— янги-янги довонларни забт этишга, инсоният бахт-саодати йўлида моддий ва маданий бойликларни кўпайтириб боришга даъват этиб келди, ҳозир ҳам даъват этмоқда.

Бу жиҳатдан «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари» лойиҳаси муҳим аҳамият касб этади.

Истиқбол программасида кўп тармоқлар қатори халқ хўжалиги ривожини фан-техника тараққиёти асосида йўлга қўйишга эътибор кучайтирилганлиги шахсан мени қувонтирди. Асосий йўналишлардаги энг муҳим фан-техника проблемаларини ҳал этишга доир тармоқ комплекс программаларини ишлаб чиқиш, фан билан ишлаб чиқаришнинг ўзаро алоқаларини кучайтириш, илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш конструкторлик ташкилотларининг ишлаб чиқариш базасини мустаҳкамлаш, халқ хўжалиги вазифаларини ҳал этиш учун олий ўқув юртларининг илмий потенциалидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш тўғрисидаги вазифалар худди замонталаб режаларнинг ўзгинасидир.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштиришда илмий-техника жамғиларининг ролини кучайтиришга эътибор берилганлиги ҳам айни муддаодир. Чунки илм ҳамда техникани беқиёс даражада ривожлантирган, ундан унумли фойдаланган тарздагина халқимиз партия белгиланган навбатдаги улуғвор режаларни тўла амалга ошира олади.

С. СИРОЖИДДИНОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг вице президенти.

ОБЛАСТДА ЯГОНА СИЁСИЙ КУН

Маълумки, «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига қўйилди.

Мазкур лойиҳа КПСС Марказий Комитетининг қарори билан меҳнат коллективларида, ўқув юртларида, ҳарбий қисмларда, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларида, активларнинг йиғилишларида ҳамда районлардаги, шаҳар ва округлардаги партия комитетларининг пленумларида, область, ўлка партия конференцияларида ва иттифоқдош республикалар Компартияларининг съездларида, матбуотда, радио ва телевиденеда, партия, комсомол ва иқтисодий ўқув системасида, шунингдек, гражданларнинг истиқомат жойларидаги суҳбатларда муҳокама қилинади.

Бугун областда ташкил қилинадиган навбатдаги ягона сиёсий кун асосий йўналишлар лойиҳасини кенг пропаганда қилишга бағишланади.

Область партия комитети пропаганда ва агитация бўлими томонидан уюштирилган ана шу сиёсий кунда область партия комитетининг аъзолари, область Советининг депутатлари, жойлардаги партия комитетларининг аъзолари, депутатлар, хўжаликлар, муассасалар, ўқув юртларининг раҳбарлари, пропагандистлар, оғзаки сиёсий агитация кадрлари қатнашадилар. Шунингдек, пойтахт олий ўқув юртлари ва илмий муассасаларининг олимлари, ўқитувчилари, «Билим» жамиятининг лекторлари областимиз шаҳар ва районларига жўнаб кетадилар.

Ягона сиёсий кун иштирокчилари областимиздаги кўпгина колхоз ва совхозларда, корхоналарда, муассасаларда, ўқув юртларида бўлиб, меҳнаткашлар билан учрашадилар. Асосий йўналишлар лойиҳасининг моҳияти ҳамда унда белгиланган улуғвор вазифаларни оммага кенг тушунтириб берадилар.

ЖАДАЛ СЕМИРТИРАЯПТИЛАР

ЧИНОЗ. (Ўз мухбиримиздан). Чиноз наслчилик совхоз-техникуми чорвадорлари қорамолларни жадал семиртириш ҳисобига гўшт етиштириш ва давлатга топшириши кескин кўпайтириб бормоқдалар. Улар ўнинчи беш йилликда эл дастурхонига 3107 тонна гўшт тортиқ қилдилар. Бу планда белгилангандан 1130 тонна ортиқдир. Гўшт тайёрлаш бўйича беш йиллик план салкам 1,5 ҳисса ошириб адо этилди.

Хўжалик бўрдоқибоқарлари бу йил давлатга гўшт учун топширилган ҳар бир қорамолнинг ўртача тирик вазнини 550 килограммга етказдилар. Бу район хўжаликлари ўртасида энг юқори кўрсаткичдир.

Совхоз чорвадорлари давлатга гўшт топшириш бўйича 1981 йил биринчи квартал планини КПСС XXVI съезди очиладиган кунгача бажаришга аҳд қилганлар.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ РАЙОН ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ СЕССИЯЛАРИ

Халқ депутатлари Оққўрғон район Советининг сессияси бўлиб ўтди. Сессияда ташкилий масала кўриб чиқилди. Бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан С. Ғоипов район ижроия комитети раиси вазифасидан озод этилди.

У. Мирзақулов халқ депутатлари Оққўрғон район Совети ижроия комитетининг раиси қилиб сайланди.

* * *

Халқ депутатлари Бекобод шаҳар Советининг сессияси бўлиб ўтди. Сессияда ташкилий масала кўриб чиқилди. Бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан А. С. Ибобеков шаҳар ижроия комитетининг раиси вазифасидан озод этилди.

Э. А. Аҳмедов халқ депутатлари Бекобод шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси қилиб сайланди.

* * *

Янгийўл район Советининг бўлиб ўтган сессиясида А. Қ. Қодиров халқ депутатлари Янгийўл район Совети ижроия комитетининг раиси қилиб сайланди.

* * *

Калинин район Советининг навбатдаги сессиясида ташкилий масала кўриб чиқилди. Бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ҳ. А. Аҳмедов район ижроия комитетининг раиси вазифасидан озод этилди.

Э. А. Раҳимов халқ депутатлари Калинин район Совети ижроия комитетининг раиси қилиб сайланди.

УЛКАН СТАН ЎРНАТИЛАДИ

«Ўзбекистон ССРдаги Бекобод заводида пўлат ва прокат ишлаб чиқарувчи қувватлар ривожлантирилсин».

«СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳасида шундай дейилган.

Бекободда қад кўтарадиган янги прокат цехининг қурилиш майдонига бетончилар келдилар. Улар ишлаб чиқариш корпусининг устунлари турадиган фундаментни қўя бошладилар.

Опалубка тайёрлаш поток методи бетонни ўз вақтида келтириб туриш туфайли ишлар графикдан анча ўзиб олиб борилмоқда. Социалистик мусобақада «Узбекметаллургстрой» биринчи бошқармасидан тажрибали бетончилар Владимир Авдеев билан Вячеслав Ли пешқадамлик қилмоқдалар. Улар смена топшириқларини бир ярим баравар ошириб бажармоқдалар.

Монтажчилар ҳам ишга киришишга тайёргарлик кўрмоқдалар. Улар металл конструкциялар ва темир бетонни катта-катта блоклар ҳолида йиғиш ниятидадирлар. Бу усул қурилиш муддатини қисқартиришга имкон беради. Бунинг учун иккита улкан минора кран майдонга келтирилди. Уларнинг ҳар бири вазни 50 тоннагача бораднган деталларни кўтара олади. Янги «300» станнинг машина-ускуналари ҳам кела бошлади. Бетўхтов ишлайдиган бу агрегат бир йилда 1 миллион 157 минг тонна прокат чиқара олади. Унинг хусусияти шуки технологик жараён автомат режимда электрон ҳисоб машинасининг ёрдами билан бошқарилади. Бунинг натижасида прокат сифатли чиқади.

Станнинг биринчи навбатини 1983 йилда, иккинчи навбатини ўн биринчи беш йиллик охирида ишга тушириш мўлжалланади.

О. ПАНОВА,
ЎзТАГ мухбири.

АҲДИ БОРНИНГ—БАХТИ БОР

Ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йили ҳақиқатан ҳам пахта йили бўлди. Республикамиз пахтакорлари мислсиз «оқ олтин» хирмони уйдирди. Областимиз, шу жумладан, районимиз меҳнаткашлари ҳам мўл пахта ҳосили етиштиришди.

Бу муваффақиятларга бригадамиз коллективи оз бўлса-да, ўз ҳиссаларини қўшганларидан ҳақли равишда фахрланадилар. Улар йил бошида областимизнинг бир группа мўл ҳосил усталари қатори 50—60 центнерчилик ҳаракатини бошлаб беришган эди. Пахтакорларимиз ўз сўзларининг устидан чиқдилар. 90 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 52 центнердан ҳосил йиғиштириб олиниб, давлат қабул пунктларига 468 тонна қимматбаҳо хомашё етказиб берилди. Планда белгиланганидан 153 тонна кўп пахта етиштиришга муваффақ бўлдик.

Хўжалигимизда алмашлаб экишга катта эътибор берилади. Бригадамизда ҳам ҳар йили эски бедапояларнинг 30 гектари бузилиб, бу ерларга чигит қадалади. Пахтакорларимиз ер унумдорлигини ошириш учун қатъий кураш олиб борадилар. Йилига ҳар гектар майдонга ўртача 10—15 тоннадан маҳаллий ўғит соламиз.

ТАШАББУСКОРЛАР ҲИСОБ БЕРАДИЛАР

Бу йил бригадамиз аъзолари чигитни текис ундириб олгач, гектарлар тўлиқ, кўчатлар бут бўлиши учун барча чораларни кўрдилар. Натижада ҳар гектар майдонда ўртача 110—120 минг тип кўчат ҳосил пишиб етилгунга қадар сақлаб қолинди. Ғўза қатор ораларига ишлов бериш, озиқлантириш ва суғоришни ҳам агротехника талаблари асосида ўз вақтида сифатли ўтказдик. Шунинг учун барча майдонларда мўл ҳосил етиштирилди.

Пахта далаларимиз пастбаланд бўлишига қарамай, моҳир механик-ҳайдовчиларимиз Д. Рамазонов ва Т. Раҳматовлар етиштирилган ҳосилни тезроқ йиғиштириб олишда ўрнак кўрсатдилар. Улар машиналари билан 250 тоннадан кўпроқ пахтани теріб беришди. Чевар теримчиларимиз С. Қосимова, Х. Шерқўзиева, З. Эргашева, О. Дарвишевалар эса мавсумда 7—8 тоннадан «оқ олтин» теріб бердилар.

Мўл ҳосил етиштириб, юксак социалистик мажбуриятимизни шараф билан бажарганлигимиз қалбимизни қувончга тўлдиради. Аммо эришилган натижа биз учун чегара бўла олмайди. КПСС Марказий Комитетининг октябрь (1980 йил) Пленуми қарорларига амалий иш билан жавоб беришга аҳд қилган пахтакорларимиз ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йилида ҳосилдорликни 55 центнерга етказишни режалаштирдилар. Бу мўл ҳосилга мустаҳкам замин яратиш учун кузги-қишки ишларни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш чораларини кўраётирмиз. Барча пахта майдонларимиз ўғитланиб, шудгор қилиб қўйилди. Шудгорлашдан аввал бегона ўт кўп тарқалган 12 гектар майдонга далапон гербициди сепилди.

Асосий йўналишлар лойиҳасида ўн биринчи беш йилликда пахта етиштиришни янада кўпайтириш режалари белгиланган. Бригадамиз коллективи ҳам ҳосилдорликни ошириш ҳисобига «оқ олтин» етиштиришни муттасил кўпайтириб борадилар.

Т. ТЕМИРОВ,
Янгийўл районидаги Ҳ. Турсунқулов номли колхознинг бригада бошлиғи.

МУСОБАҚА ҒОЛИБИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент область партия комитети, область ижроия комитети ва область касаба союзлари Совети Олмалиқ химия заводи иккинчи навбати реконструкциясини тезлаштириш бўйича қурилиш ва монтаж ташкилотлари социалистик мусобақасининг 1980 йил октябрь ойи якунларини кўриб чиқдилар.

Олмалиқ химия заводи иккинчи навбати реконструкциясида иштирок этаётган қурилиш ва монтаж ташкилотлари ишда маълум ютуқларни қўлга киритдилар. Шу йилнинг октябрь ойида Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги «Алмаликсвинецстрой» трестининг 5-қурилиш бошқармаси, Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги «Ўзэлектромонтаж» трестининг монтаж бошқармаси, «Ўзпромвентиляция» трестининг механизациялашган кўчма колоннаси коллективлари яхши натижаларга эришдилар.

Область партия комитети, область ижроия комитети ва область касаба союзлари Совети **Ўзбекистон қурилиш министрлиги «Алмаликсвинецстрой» трести 5-қурилиш бошқармаси** (бошқарма бошлиғи Шапков, партия ташкилоти секретари Кривченко, қурилиш касаба союз комитети раиси Тетевин, комсомол ташкилоти секретари Пись ўртоқлар) коллективини октябрь ойи мусобақаси ғолиби деб топдилар. Бу коллектив ойлик планни беш баравар ортиғи билан адо этган, ҳар бир бинокор ҳисобига 100,8 процент ҳажмида иш бажарган. Бошқарма коллективига область партия комитети, область ижроия комитети ва область касаба союзлари Советининг кўчма Қизил байроғи ҳамда 500 сўмлик пул мукофоти берилди.

Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги ихтисослашган «Ўзэлектромонтаж» трести Олмалиқ монтаж бошқармаси, «Ўзпромвентиляция» трести механизациялашган кўчма колоннаси коллективларининг Олмалиқ химия заводи иккинчи навбатини реконструкция қилиш бўйича 1980 йил октябрь ойида яхши ишлаганликлари қайд қилинди.



«Бўстонлиқ» совхозининг трактор паркида қишлоқ хўжалик техникасини ремонт қилиш ишлари қизғин бошлаб юборилди. Ремонтчилар ўртасида ташкил этилган мусобақада тракторчи Н. Бобожонов пешқадамлик қилаётир. Суратда: совхоз бош инженери А. Раимов Н. Бобожонов ремонт қилаётган тракторни кўздан кечирмоқда.

В. Портнов ва В. Кириллов фотоси.

РАЙОН ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИДА

ЯНГИ ВАЗИФАЛАР МАСЪУЛИЯТИ

ЧИНОЗ

Икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати Т. Охунова, СССР Олий Советининг депутати Т. Икромова, республика комсомоли мукофоти лауреати А. Эрназаров, беш йиллик илғорлари Ю. Матюхин, С. Бильданов... 2253 коммунистни ўз атрофига уюштирган Чиноз район партия ташкилотининг энг яхши намояндалари ўз партия конференцияларида эришилган ютуқларни сарҳисоб қилгани, янги улуғвор вазифаларни муваффақиятли ҳал этишнинг асосий йўналишларини белгилаб олгани шу залга тўпланишди.

— КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартияси XIX съезди қарорларини қаётга изчил тадбиқ этаётган район меҳнаткашлари ўтган даврда хўжалик ва маданий қурилишда янги марраларни эгалладилар, — деди конференцияда ҳисобот доклади қилган район партия комитетининг биринчи секретари К. Б. Мамедов. — Ҳисобот даврида районда халқ хўжалигининг барча тармоқлари янада ривожлантирилди. Саноат корхоналари коллективлари ўнинчи беш йилликда 179 миллион 826 минг сўмлик маҳсулотни реализация қилиб, планни ортиғи билан бажаришга муваффақ бўлишди. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 17,2 процентга кўпайди. Планга қўшимча ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 7,5 проценти меҳнат унумдорлигини ўстириш ҳисобига олинди. Агар 1975 йилда ҳар бир ишчи ҳисобига 15 минг 979 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, бу йил мазкур кўрсаткич 20 минг 884 сўмга етади.

Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун авж олган социалистик мусобақада қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинати, 5-автомобиль ремонти заводи коллективлари пешқадамлик қилаётирлар. Бу корхоналарда беш йилликда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 29—51,4 процентга кўпайтирилди.

Докладчи, музокараларда сўзга чиққан 5-автомобиль ремонти заводи токари Н. Коновалов, 3-автокомбинат шофёри Н. Маматқулов ва бошқалар айни пайтда саноат корхоналарида мавжуд имкониятлардан ҳали тўла фойдаланилмаётганлигини ҳам таъкидлаб ўтишди. Меҳнат интизомига риоя қилинмаслиги оқибатида беш йилликда корхоналарда 2100 киши-куни йўқотилди. Олмазордаги қурилиш материаллари комбинати, қум-шағал карьери, пахта тозалаш заводида янги техника ва технологияни жорий этишга етарлича эътибор берилмаяпти. Қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинатининг директори В. Н. Гараев ишлаб чиқаришни ривожлантиришга транспорт муаммолари тўсқинлик қилаётганлигини айтди. Комбинатда беш йиллик давомида маҳсулот ишлаб чиқариш 1,5 баравар кўпайди. Темирйўлчилар эса тайёр маҳсулотларни жўнатиш учун етказиб берилаётган вагонлар сонини камайтириб юборишди. Афсуски, ҳисобот даврида район партия комитети пленумлари ва бюроси йиғилишларида бирор марта ҳам транспортдаги аҳвол муҳокама этилмади.

Ўнинчи беш йилликда районда капитал қурилиши кўлами кенгайди. Бу даврда қариб 27 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди. Қурувчилар 5 минг 200 ўринли мактаблар, 840 ўринли боғчалар, умумий саҳни 19 минг квадрат метрга тенг бўлган турар-жойларни, ҳар бири 1200 бош қорамолга мўлжалланган учта чорвачилик комплексини фойдаланишга топширдилар. Ҳозир Охунбобоев номли колхозда 1176 ўринли мактаб, район марказида алоқа уйи, 5 минг ўринли стадион қурилиши олиб борилаяпти. «Партия XXIV съезди» совхозида «Ильичевск» тажриба-намунавий посёлкасини бунёд этиш давом этмоқда. Яқинда 300 гектарлик сув ҳавзаларига эга бўладиган балиқчилик хўжалиги қурилишига киришилди. У фойдаланишга топширилгач, бу ерда йилига 1000 тонна балиқ етиштирилади.

Бироқ, капитал қурилишда ҳали жиддий камчиликлар мавжуд. Объектларни фойдаланишга топшириш муддатлари чўзиб юборилмоқда, қурилиш сифати паст. К. Маркс номли колхоз партия комитетининг секретари Қ. Алимова ўз сўзида хўжаликда паррандахона ва пиллачилик комплексини фойдаланишга топшириш муддатлари неча бор барбод этилганлигини танқид қилди.

Ҳисобот докладида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масалаларига катта эътибор берилди. Районда КПСС Марказий Комитетининг июль (1978 йил) Пленуми қарорлари асосида деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун кўп иш қилинди. Беш йиллик давомида колхоз ва совхозларда 450 минг тонна деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари, шу жумладан, 174 минг 650 тонна пахта етиштирилди. Қишлоқ меҳнаткашлари ўнинчи беш йиллик планига қўшимча равишда давлатга 17748 тонна пахта, 14462 тонна дон, 1820 тонна гўшт, 3555 тонна сут ва бошқа маҳсулотлар сотдилар. Бу йил район пахтакорлари ҳар гектар майдондан 38,6 центнердан ҳосил йиғиштириб олиб, қабул пунктларига 35 минг тоннадан кўпроқ «оқ олтин» етказиб беришди. 113 та пахтачилик бригадасининг ҳаммасида белгиланган планлар ошириб бажарилди. «Қизил Октябрь» колхозидан Э. Очилов, «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозидан Л. Суяров, К. Маркс номли колхоздан С. Тошхўжаев, Охунбобоев номли колхоздан Н. Нурмуҳамедовлар бошлиқ бригадаларда ҳосилдорлик 45—50 центнерга етди. Киров номли колхознинг Т. Охунова бошлиқ бригадаси коллективи беш йилда давлатга ўн йиллик план миқдорида пахта топширди.

Аммо, районда пахтачиликни янада юксалтириш учун ҳали фойдаланилмаётган резервлар кўп. Бу йил 65 бригада ва олти хўжаликда пахта ҳосилдорлиги районнинг ўртача кўрсаткичидан паст бўлди.

«Партия XXVI съезди» совхозининг директори Т. Эрназаров экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳосилдорликни оширишнинг муҳим омилларидан бири эканлигини ўқдирди. Хўжаликда 1000 гектар майдоннинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш талаб этилади. Сув хўжалиги ходимлари бу ишларни кучайтириш тадбирларини кўришлари керак.

Конференцияда жамоат чорвачилигини ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор берилди. Беш йилликда районда бу соҳада муайян ишлар қилинди. Шу туфайли чорва моллари бош сони кўпайди, уларнинг маҳсулдорлиги ортди. Лекин партия ташкилотлари бу соҳани ривожлантириш учун ҳали кўп иш қилишлари керак. «Чиноз» совхоз-техникумининг соғувчиси Л. Царенко сигирлар маҳсулдорлигини ўртача 5 минг килограммга етказиш учун курашаётганлигини айтди. Лекин ҳар бир сигирдан атиги 2500—2600 килограммдан сут соғиб олинаётган колхозлар йўқ эмас. Навоий номли, К. Маркс номли колхозларда эса гўштга топширилаётган қорамолларнинг ўртача тирик вазни 340—370 килограммни ташкил этяпти. Навоий номли, «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозларида қорамоллар бош сони бўйича белгиланган топшириқлар бажарилмаяпти. Охунбобоев номли колхоз партия комитетининг секретари А. Мирахмедов янги туғилган бузоқларнинг нобуд бўлишига йўл қўйилаётганлигини қаттиқ танқид қилди.

Чиноз ва Андижон области чорвадорларининг ватанпарварлик ташаббусига қўшилиб, ўн биринчи беш йилликда гўшт етиштиришни икки баравар кўпайтириш, йилига 30 минг тонна сут етиштиришни таъминлаш тадбирларини белгилаётирлар. Бу улкан ва масъулиятли вазифалар партия ташкилотларидан ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишларни янада кучайтиришни талаб этади.

Музокараларда сўзга чиққан Навоий номли колхознинг бригада бошлиғи Р. Корабоева, «Қизил Октябрь» колхозининг раиси Ж. Очилов, Чиноз шаҳар Советининг раиси Н. Исматуллаев, Жамбул номли совхознинг бош чўпони П. Мусиров, район прокурори Т. Расулев ва бошқа делегатлар ўн биринчи беш йилликка белгиланган улуғвор вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун партия ташкилотларининг жанговарлигини ошириш, КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди шарафига социалистик мусобақани янада кучайтириш зарурлигини таъкидлаб, кадрлар билан ишлашни яхшилаш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш, мавжуд резервлардан самарали фойдаланиш юзасидан ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Конференцияда Чиноз район партия комитети, район партия ташкилоти ревизия комиссиясининг янги состави ҳамда Тошкент область XX партия конференциясига делегатлар сайланди.

Конференцияда Тошкент область партия комитетининг секретари А. И. Икромов нутқ сўзлади.

* * *

Чиноз район партия комитетининг бўлиб ўтган ташкилий пленумида **К. Б. Мамедов** район партия комитетининг биринчи секретари, **В. Г. Размаев** район партия комитетининг иккинчи секретари ва **Б. У. Ғуломова** район партия комитетининг секретари қилиб сайландилар.

Э. ЭРНАЗАРОВ.

БЎКА

РЕЗЕРВЛАР — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

Агар хўжалик раҳбарлари уддабурро, ишбилармон, малакали бўлсалар, активлар, коммунистларга таяниб иш олиб борсалар, ҳар қандай қолоқ хўжаликни ҳам қисқа вақт ичида ёққа тортиши мумкин. Мичурин номли колхоз эришган ютуқлар бунинг ёрқин далилидир.

Хўжаликка колхоз ишлаб чиқаришининг талантли ташкилотчиси Уроз Жаркинбоев раис бўлиб келгач, ишлар бутунлай янги изга тушди. Колхоз бундан 5—6 йил илгари ҳар гектар ердан аранг 15—16 центнердан пахта ҳосили олар, бошқа соҳалар ҳам ночор аҳволда эди. Эндиликда эса колхоз машъаллар сафидан мустаҳкам ўрин эгаллади. Беш йиллик давомида пахта ҳосилдорлиги гектар ҳисобига 22 центнер ошди. Барча асосий кўрсаткичлар бўйича 1980 йил ва умуман беш йиллик топшириқлари муваффақиятли бажарилди.

Конференция арафасида биз ана шу колхозда бўлдик. Колхозчиларнинг, хўжалик раҳбарларининг кайфияти чоғ эди. Раис конференцияда сўзга чиқишга тайёргарлик кўраётган эди. Бу йил ҳосилдорлик салкам 40 центнерга етибди. Районда энг йирик чўчқачилик комплекси ҳам шу колхозда қурилмоқда. Хўжаликнинг даромади ортиб, колхозчиларнинг моддий ва маданий шароити тобора яхшиланмоқда.

— Мен, — деди Уроз ака, — ана шулар ҳақида конференция делегатларига ҳикоя қилиб бермоқчиман, хўжалигимиз эришаётган ҳар бир ютуқда район партия комитетининг роли ғоят катта бўлаётганлигини мамнуният билан таъкидлайман. Хўжалик масалаларини оперативлик билан ҳал этишда, колхозчиларнинг куч-ғайратини белгиланган режаларни бекаму-кўст амалга ошириш учун сафарбар этишда райком бизга амалий ердам бериб келмоқда.

У. Жаркинбоевнинг конференция минбаридан туриб айтган фикрларини «Бўка» совхозининг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мария Ковалева, Тимирязев номли колхоз механик ҳайдовчиси М. Уранова, «Партия XX съезди» колхозининг раиси М. Ҳайитбоев, «Бўка» пахта тозалаш заводининг директори У. Мамбетов ва бошқа ўртоқлар қўллаб-қувватладилар.

Улар партиявий иш — ижодий иш эканлигини, район партия комитетининг амалий раҳбарлик соҳасидаги иш услуби такомиллашиб бораётганлигини, илғор тажрибалар, фан ютуқлари ишлаб чиқаришга дадил жорий этилаётганлигини қайд этдилар. Шунинг учун ҳам белгиланган план ва топшириқлар муваффақиятли бажарилмоқда.

Саноат корхоналари беш йиллик маррасидан ўзиб ишламоқдалар. Капитал қурилиш ҳажми ўсиб бормоқда. Ерларнинг мелиоратив ҳолати, тупроқ структураси яхшиланмоқда.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши кескин юксалмоқда. Пахта етиштиришни кўпайтириш, теримни механизациялаш борасида улкан ютуқлар қўлга киритилди. Пахта етиштиришнинг ўртача ҳажми тўққизинчи беш йилликка нисбатан 25,9 процент ўсди.

Социал ва иқтисодий ривожланишдаги катта муваффақиятлари учун район беш йиллик давомида икки марта — 1978 ва 1979 йилги иш якунлари бўйича Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб чиқиб, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини қўлга киритди.

Район беш йиллик давомида халқ хўжалик планида кўзда тутилганидан 44 минг 844 тонна кўп «оқ олтин» сотди. Якуновчи йилда она Ватанга 79 минг 62 тонна «оқ олтин» армуғон этилди. Ҳосилдорлик район тарихида биринчи марта 36,5 центнерга етди.

Кейинги йилларда районда кадрларни танлаш, тарбиялаш ва уларни жой-жойига қўйиш соҳасида ибратли тадбирлар амалга оширилди. Раҳбар кадрларнинг аксарияти олий маълумотли, катта иш тажрибасига эга бўлган, янгиликни тез илғаб олиб, ишлаб чиқаришга жорий этадиган ташаббускор кишилардир.

Район партия комитети кадрларга юксак ишонч билдириш билан бирга уларга нисбатан талабчанликни кучайтирмоқда, топширилган иш учун масъулият ҳиссини оширмоқда, ижрони текшириб бормоқда. Бошланғич партия ташкилотлари тўплаган энг яхши, илғор тажрибалар пухта ўрганилиб, кенг тарғиб қилинмоқда. Ҳар бир ишчи ва хизматчининг партия ташкилотлари ва раҳбарлар ҳисоботини вақти-вақти билан эшитиб туриш яхши анъанага айланиб қолган. Партия ходимлари малакасини оширишда ўқувнинг турли хил формаларидан фойдаланилмоқда.

Конференцияда район партия комитетининг биринчи секретари Т. Исломов қилган ҳисобот докладида, музокарада қатнашган «Кўкорол» совхози директори Ҳ. Абдиев, «Партия XX съезди» колхозининг бригада бошлиғи А. Душабоев ва бошқа ўртоқлар социалистик мусобақани ташкил этиш, унинг самарадорлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор бердилар.

Районда гектаридан 50 центнер ва ундан ошириб ҳосил олаётган бригадалар сони 17 тага етди. Афсуски, кўп ҳолларда ана шу маъмалаларнинг илғор иш усуллари яхши ўрганилмайди. 132 та бригада район кўрсаткичидан паст ҳосил олди. Конференцияда эллик центнерчилар сардори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Саодат Гулаҳмедова резервлардан ва имкониятлардан фойдаланишни янада яхшилаш учун мусобақа таъсирчанлигини оширишга зарурлигини уқтирди.

Конференция қатнашчилари ютуқларни қайд этиш билан бирга хўжалик қурилишининг баъзи соҳаларида йўл қўйилаётган камчиликлар, бой берилган резервлар ҳақида ҳам гапирдилар. Айрим коллективларда меҳнат интизоми талаб даражасида эмас. Турар-жой бинолари, мактаблар, болалар боғча ва яслилари қурилишини тезлаштириш керак.

Пахтачилик билан бирга қишлоқ хўжалигининг ҳаётий муҳим тармоғи — чорвачиликни ҳам кескин юксалтириш учун зарур тадбирлар кўрилиши керак. Ҳамма ерда андижонлик чорвадорларнинг ташаббуси асосида иш олиб бориш лозим. Чорвачиликдаги кўрсаткичларни янада яхшилаш учун фермаларнинг маҳсулдорлигини ошириш, шу асосда колхоз ва совхозларда гўшт, сут ва бошқа чорвачилик маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш мумкин. Боғдорчилик, ғаллачилик, сабзавотчилик имкониятларидан ҳам тўла фойдаланиш зарур.

Конференцияда меҳнаткашларнинг турмуш маданиятини ошириш, уларга медицина, савдо, маданий-маиший хизмат кўрсатишни янада яхшилаш масалаларига ҳам эътибор берилди. Район маталлуот жамияти раисининг ўринбосари А. Султонов, район марказий касалхонасининг врачи Ф. Чаҳалова, Жданов номли мактаб ўқитувчиси Л. М. Кудрявцевалар ана шу ҳақда сўзладилар.

Конференцияда идеология ишлари пухта таҳлил этилди. Айни кунларда сиёсий маориф шохобчаларида 3400 киши шуғулланмоқда. Жойларда 12 та бошланғич сиёсий мактаб, 60 та марксизм-ленинизм мактаблари, 20 та назарий семинар иш олиб бормоқда.

Делегатлар район партия комитетининг амалга оширишга ташкилий-партиявий ишларини таҳлил этар эканлар, янги составга ижрони текшириш масалаларига янада катта аҳамият бериш, бу ишга кенг активларни жалб этиш, район партия ташкилоти структурасини янада такомиллаштиришни тавсия этдилар.

Қабул қилинган резолюцияда партиявий-ташкилий, оммавий-сиёсий ишларни янада такомиллаштириш, хўжалик ва маданий қурилишнинг барча жабҳаларига раҳбарликни такомиллаштириш, КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съездини муносиб кутиб олиш учун курашни янада авж олдириш зарурлиги уқтирилди.

Конференцияда район партия комитети, район партия ташкилоти ревизия комиссиясининг янги составлари ва область партия конференциясига делегатлар сайланди.

Конференцияда область партия комитети бюроси аъзолигига кандидат, область халқ назорати комитетининг раиси Б. С. Камолов сўзлади.

* * *

Бўлиб ўтган ташкилий пленумда **Т. Исломов** Бўка район партия комитетининг биринчи секретари, **М. Аҳмаджонов** район партия комитетининг иккинчи секретари, **Ф. Азимхўжаева** район партия комитетининг секретари қилиб сайландилар.

Н. РИҲСИЕВ.

ОҲАНГАРОН

ТАШАББУСЛАРГА КЕНГ ЙЎЛ

Якунланаётган беш йиллик район хўжаликлари, саноат корхоналари учун муваффақиятли бўлди. Шу йиллар ичида давлатга қишлоқ хўжалик ва чорвачилик маҳсулотлари топириш сезиларли даражада ўсди. Дон, сабзавот, картошка етиштириш планлари муваффақиятли бажарилди. Саноат корхоналарида планга қўшимча равишда 8,7 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва реализация қилинди. Ишлаб чиқариш суръати 144,5 процентга, меҳнат унумдорлиги эса 129,7 процентга ўсди.

Район партия конференцияда шу факт ва рақамлар келтирилди. Конференцияда район меҳнаткашлари эришаётган бошқа ютуқлар ҳам тилга олинди. Жумладан ҳисобот даврида илғор тажрибани оммалаштириш, социалистик мусобақани ривожлантириш, меҳнатни ташкил этишнинг янги формаларини ишлаб тўпиш соҳасида кўпгина ишлар амалга оширилди. Натижада «Сантехлит» заводи ўтган йил якунлари бўйича Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси ғолиби бўлиб, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини қўлга киритди, «Стройпластмасс» комбинати эса Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Узбекистон ССР Министрлар Совети, Узсовпроф ва республика комсомоли Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғига сазовор бўлди.

— Саноат корхоналари билан бир қаторда, — деди докладчи район партия комитетининг биринчи секретари К. Икромов, — қурилиш ташкилотлари ҳам планда кўзда тутилган асосий фондлар, турар-жой ва социал-маиший объектларни ишга туширишда муайян ютуқларга эришдилар. Партия ташкилотлари социалистик мусобақага раҳбарликни такомиллаштирдилар. Ҳозир социалистик мусобақада моддий ишлаб чиқаришда банд бўлган меҳнаткашларнинг 90 процентдан ортиғи актив қатнашмоқда. Район корхона ва ташкилотларида 2 минг коммунистик меҳнат зарбдори ишлаяпти. 400 дан ортиқ ишлаб чиқариш илғорлари эса ўн биринчи беш йиллик ҳисобига меҳнат қилмоқдалар.

Район партия комитети, бошланғич партия ташкилотлари резервлардан фойдаланишда, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашда ҳали кўп иш қилишлари керак. Айрим корхоналар маҳсулот ҳажмини ўстириш ва меҳнат унумдорлигини оширишга сўрғаларини таъминлай олмаяптилар. Оҳангарон цемент ишлаб чиқариш бирлашмаси беш йиллик бошидан бери 800 минг сўмлик маҳсулотни кам реализация қилди. Комбинат партия комитети ва маъмурияти мавжуд камчиликларни йўқотиш, ички резервлардан тўлароқ фойдаланиш борасида зарур тадбирларни кўрмадилар. Ўз вақтида камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилганда, резервлар излаб топилганда бундай бўлмас эди.

Конференция делегатлари қишлоқ хўжалигида эришилаётган ютуқлар, йўл қўйилган камчиликлар ва уларни бартараф этиш йўллари, галдаги вазифалар ҳусусида алоҳида тўхталиб ўтдилар.

Ўнинчи беш йилликда районда бошоқли дон экинлари ялпи ҳосили 26 минг 716 тоннага етди. Бу йил эса маккажўхори дони етиштириш беш йиллик бошидагига нисбатан 5 минг 343 тоннага ўсди.

— Хўжалигимиз меҳнаткашлари, — деди С. М. Будённий номли совхоз директори Т. Нажимов, — беш йиллик планда белгиланган 45750 тонна ўрнига 53470 тонна сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштирдилар. Бошқача қилиб айтганда беш йиллик план тўрт йилда бажарилди. Биз бу муваффақиятларга агротехника тадбирларини ўз вақтида ўтказиш, ҳосилдорликни ошириш туфайли эришдик.

Райондаги бошқа хўжаликларда ҳам ҳосилдорликни ошириш масаласига катта аҳамият берилмоқда. Ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, янги ерларни ўзлаштириш натижасида беш йил ичида сабзавот ялпи ҳосили 153 минг тоннага етказилди. Бу йил эса давлатга 60 минг тоннага яқин сабзавот топширилди. Давлат плани 162 процентга адо этилди. Район тарихида сабзавот етиштиришда бундай кўрсаткичга биринчи марта эришилди.

Партия ташкилотлари, хўжалик раҳбарлари, мутахассислар ерлардан тўғри фойдаланиш, агротехника тадбирларини ўз вақтида ўтказишга кўпроқ эътибор берганларида ютуқлар бундан ҳам салмоқли бўларди. Ворошилов номли, «Ангрен», С. Раҳимов номли совхозларда бу йил 4 минг тонна ғалла кам топширилди. Айрим хўжаликларда маккажўхори ҳосилдорлиги ўтган йилдагига нисбатан камайиб кетди. Совхозларда агротехника тадбирларига амал қилинмайди. Ерлар ўз вақтида шудгорланмайди, суғориш муддатлари ҳам чўзилиб кетмоқда.

КПСС Марказий Комитети 1980 йил октябрь Пленуми қишлоқ хўжалиги ходимлари олдига сабзавот ва ҳўл мева етиштиришни янада кўпайтириш вазифасини қўйди. Районда бу соҳада маълум муваффақиятлар қўлга киритилди. Лекин қатор хўжаликлар сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, ҳосилдорликни ошириш масалалари билан етарлича шуғулланмаяптилар.

Конференция делегатлари ҳисобот даврида чорвачиликни ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишларга ҳам атрофлича тўхталиб ўтдилар. «ВЛКСМ 50 йиллиги» саноат комплекси директори Ф. Аппазов, Серго номли совхоз сут соғувчиси Р. Турматова, «Ғаллақудуқ» саноат комплекси директори Г. П. Гриценко ва бошқаларнинг нутқларида КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль Пленуми қарорларини амалга ошириш, жамоат чорвасини кўпайтириш масалаларига алоҳида эътибор берилди.

Районда беш йиллик бошидагига қараганда давлатга гўшт топириш 1,8 марта, сут топириш 1,4, тухум топириш эса 1,3 марта ошди. Ворошилов номли совхоз сут соғувчиси Т. Эралиева, «Оҳангарон» совхозидан З. Назарова сингари ташаббускорлар ҳаммага ўрнак кўрсатиб, меҳнат қилдилар. Тошкент от заводи чўпони М. Иброҳимов, «Ангрен» совхозидан С. Аҳмедов, «Октябрь» совхозидан С. Рўзиматовлар эса ўтган йилги оғир қиш шароитида ҳар 100 бош совлиқдан 115—120 тадан қўзи олдилар.

Ҳисобот даврида чорвачиликни интенсив ривожлантириш бўйича амалга оширилди. Шу мақсадда Будённий ва Жуков номли совхозларда чорвачилик фермалари ташкил этилди. «Октябрь» совхози ва Тошкент от заводида чўчқачилик фермалари қайта тикланди. «Ангрен» совхозида эса совхозлараро бўрдоқичилик базаси ташкил топди.

Лекин янги беш йилликда район чорвадорлари олдида яна ҳам катта вазифалар турибди. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан маъқулланган район партия комитети тадбирларида гўшт маҳсулотларини 1979 йилдагига нисбатан 2,2 марта, сутни 48 процент ва тухум топиришни 6 марта ошириш кўзда тутилган. Мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланиш, барча резервларни ишга солиш ва илғор тажрибани кенг қулоч ёздириш билангина бу марраларга эришиш мумкин.

Ҳозирча наслчиликни ривожлантириш, пода тўёгини кўпайтиришда жиддий камчиликлар мавжуд. Молларни мажбуран гўштга топириш ҳоллари ҳамон учраб турибди.

Делегатлар гўшт етиштириш ва давлатга топириш, ҳар 100 бош сигирдан бузоқ олиш аҳволи белгиланган тадбирлардагидан паст эканлиги тўғрисида ташвишланиб гапирдилар. Давлатга гўшт топириш планлари бажарилмаётганлигининг асосий сабабларидан бири шундаки, «Ғаллақудуқ» совхозида чўчқачилик комплекси қувватлари суст ўзлаштирилмоқда. Бу ерда ўн ой мобайнида белгиланганидан 4 минг тонна гўшт кам топширилган.

Конференцияда ҳисобот даврида район партия комитети олиб борган идеологик, оммавий-сиёсий ва партиявий-ташкилий ишлар ҳам таҳлил этилди, кадрларни жой-жойига қўйиш, меҳнаткашлар хатлари билан ишлашни такомиллаштириш бўйича фикр ва мулоҳазалар, қимматли таклифлар билдирилди.

Конференцияда район партия комитети, район партия ташкилоти ревизия комиссиясининг янги составлари ва область партия конференциясига делегатлар сайланди.

Конференцияда область ижроия комитети раисининг ўринбосари М. К. Кодиров сўзлади.

* * *

Район партия комитетининг бўлиб ўтган ташкилий пленумида **К. Икромов** район партия комитетининг биринчи секретари, **Ю. А. Савилов** район партия комитетининг иккинчи секретари, **Ш. П. Қаршибоева** район партия комитетининг секретари қилиб сайландилар.

А. АБДУЛЛАЕВ.

ПИСКЕНТ

ХЎЖАЛИККА РАҲБАРЛИК ЯХШИЛАНСИН

Район экономикасининг барча тармоқлари, айниқса сўнгги йилларда тез суръатлар билан ривожланмоқда. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш кўпаймоқда. Қишлоқ хўжалиги ва унинг етакчи соҳаси ҳисобланган пахтачилик ҳамда чорвачилик жадал юксалмоқда. Меҳнаткашларга транспорт, алоқа, савдо, маиший хизмат кўрсатиш кенгаймоқда.

Пискент район партия конференциясида ҳисобот доклади қилган район партия комитетининг биринчи секретари У. Я. Баҳодиров ва музокарада қатнашган нотиқлар район меҳнаткашлари КПСС XXV съезди, Ўзбекистон Компартияси XIX съезди қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг йўл-йўриқлари ва кўрсатмаларини сабот билан амалга ошириб бордилар.

Район экономикасининг барча тармоқларида ўнинчи беш йиллик план топшириқлари тўла ва эпдаси билан адо этилди. Беш йиллик планига қўшимча халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун етказиб берилган жами саноат маҳсулот ҳажми 8,5 миллион сўмликни ташкил этди. Ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари 30 процент бўлди. Меҳнат унумдорлиги 12 процент ортди. Биргина Пискент пахта тозалаш заводи беш йил давомида пландагидан ташқари 8 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилди. Транспортчилар қўшимча 850 минг тонна халқ хўжалик юкларини белгиланган манзилларга етказиб бердилар. Капитал қурилиши соҳасида кўпгина ишлар амалга оширилди. 10 минг квадрат метрга яқин уй-жойлар фойдаланишга топширилди. Қатор хўжалик бинолари, маданий-маиший муассасалар қурилди.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда эришаётган ютуқлар салмоқли бўлмоқда. Деҳқончилик барча тармоқларининг интенсив юксалиши таъминланяпти. Шуни айтиш кифояки, бу тармоқ бўйича ўртача йиллик ялпи маҳсулот ҳажми тўққизинчи беш йилликдагига нисбатан 35 процент кўпайди. Пахтачилик муваффақиятли тараққий этмоқда. Ўнинчи беш йилликда пландагидан ташқари 12 минг тонна «оқ олтин» етказиб берилди. Район пахтакорларининг бу муваффақиятида Тельман номли, «Гулистон», Свердлов номли, Охунбобоев номли колхозлар меҳнаткашларининг ҳиссаси каттадир. Ўлар ўнинчи беш йиллик топшириқларини барвақт уддаладилар. Кўп жиҳатдан ана шу илғор хўжаликлар ҳосилига ўнинчи беш йиллигининг сўнгги йилида район бўйича рекорд ҳосил — 52 минг тонна пахта етиштирилди. Жами ҳосилнинг 87 проценти машиналар ёрдамида териб олинди. Ҳосилдорлик гектар ҳисобига 36,8 центнерни ташкил этди. Ўнлаб бригадалар 40-52 центнердан «оқ олтин» ҳосили етиштиришди.

Ҳисобот даврида чорвачилик, дончилик, пиллачиликни ривожлантиришда ҳам маълум ютуқлар қўлга киритилди. Қорамоллар сони ошди. Сигирлар 400 бошга ортди. Сўнгги икки йил ичида гўшт етиштириш анча кўпайди. Фақатгина шу йилнинг ўтган ойида ўтган йилдагига нисбатан 16 процент кўп гўшт етиштирилди, сут 11,5 процент, тухум 33,1 процент ортди.

Лекин, докладчи ва музокарада қатнашган нотиқлар район экономикасини турли соҳаларида мавжуд бўлган ички резерв ва имкониятлар тўла фойдаланилмаётганлиги, келгусида бу масалаларга эътиборни янада кучайтириш лозимлиги, кадрларнинг масъулиятини ошириш, уларга нисбатан талабчанликни кучайтириш зарурлиги ҳақида алоҳида тўхталиб ўтдилар. Агар ана шу резерв ва имкониятлардан тўлароқ фойдаланилганда эди район меҳнаткашларининг муваффақиятлари янада салмоқлироқ бўларди.

Қатор саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари давлат планлари ва зиммага олинган социалистик мажбуриятларни бажармаяптилар. Бирқанча колхозлар ва совхозларда ҳар гектар ҳосилига етиштирилаётган пахта ҳосили районнинг ўртача кўрсаткичидан ҳам паст. Ленин номли, Калинин номли колхозлар, 1-«Пискент», 2-«Пискент» совхозлари, 89 та пахтачилик бригадаси шулар жумласидандир. 8 та бригадада бу кўрсаткич 30 центнердан ҳам камроқдир. Уч бригада пахта етиштириш бўйича 1980 йил халқ хўжалик планини бажармади.

Фойдаланилмаётган резервлар чорвачилик соҳасида ҳам анчагина бор. Барча хўжаликларда район партия комитетининг қишлоқ хўжалигининг бу тармоғини юксалтириш бўйича белгиланган тадбирлари бажарилиши таъминланмаяпти. Гўшт етиштириш, сут соғиб олиш айрим хўжаликларда камайиб кетди. Гўштга топширилаётган қорамолнинг тирик вазни район кўрсаткичларидан кам бўлган хўжаликлар ҳам йўқ эмас.

Бу камчиликларни бартараф этиш район партия ташкилотини муҳим вазифасидир. Бунинг учун кадрларни танлаш ва тарбиялаш ҳамда жой-жойига қўйишни янада такомиллаштириш, ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи участкаларини тажрибали ва билимдон мутахассислар билан мустаҳкамлаш, уларга ҳар томонлама ёрдам бериш, ни кучайтириш керак. Бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлик ролини янада ошириш, уларнинг ишини ҳар томонлама яхшилаш учун, маъмурият фаолияти устидан назорат қилиш ҳуқуқини кучайтириш, ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларида коммунистларнинг авангардлик ролини таъминлаш лозим.

Айни вақтда партиявий-ташкилий ишлар савиясини давр талаблари даражасига ошириш, оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишларни муттасил кенгайтириб бориш, уларнинг таъсирчанлигини ошириш даркор. Халқ хўжалигининг барча тармоқларида партия таъсирини ҳар томонлама кучайтириш керак. Райондаги 66 бошланғич 80 га яқин цех партия ташкилоти ва салкам 50 партия группаси фаолиятини шунга қаратиш лозим.

Конференция делегатлари Калинин номли колхоз бригадири Ж. Арслонова, «Гулистон» колхози бригадири А. Умурқулов нутқларини зўр эътибор билан тингладилар. Бу моҳир қўли ишлаб чиқариш командирлари ўзлари ишлаётган хўжалик меҳнаткашларининг муваффақиятлари ҳақида батафсил гапирдилар ҳамда қишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган қатор масалалар устида тўхталишди.

Пахта тозалаш заводи директори И. Абдурахмонов, 1-«Пискент» совхози директори Т. Иномов, 2-«Пискент» совхози сут-товар фермаси сут соғувчиси Б. Эргашева, Тельман номли колхоз раиси Т. Норматов, Охунбобоев номли колхоз партия комитети секретари Н. Абулқосимов ва бошқалар ўз нутқларида хўжалик ишлаб чиқаришига партиявий раҳбарликни янада такомиллаштириш ҳақида фикр-мулоҳазаларини ўртага ташладилар, барча район меҳнаткашлари «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг КПСС XXVI съездига лойиҳаси мамлакатимиз экономикасини барқ уриб ривожлантириш, совет кишиларининг моддий ва маданий турмуш даражасини юксалтириш ҳақида қилинаётган ғамхўрликнинг яна бир ёрқин тимсоли сифатида зўр қизиқиш билан кутиб олганликлари, бу уларнинг меҳнатдаги кучғайратини янада авж олдириб юборганлиги ҳамма жойда КПСС XXVI съезди ва

«СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳасини урганишга доир

«СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳаси жуда катта назарий ва амалий аҳамиятга молик ҳужжатдир. Унда коммунистик қурилиш практикаси ижодий тарзда умумлаштирилган, мамлакатни коммунизм йўлида янада ривожлантириш, совет кишилари фаровонлигини муттасил оширишнинг кенг программаси баён қилиб берилган.

КПСС Марказий Комитети лойиҳасининг жуда катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятини, лойиҳа коммунистлар ва комсомоллар, кенг меҳнаткашлар оммасини ғоят қизиқтираётганлигини ҳисобга олиб, мазкур ҳужжатни сиёсий ва иқтисодий таълимнинг барча формаларида чуқур ўрганишни ташкил этиш тавсия қилинади.

Партия ва комсомол ўқуви, иқтисодий таълим системасига, коммунистик меҳнат мактабларига, халқ университетларига жалб этилмаган меҳнаткашлар учун оммавий сиёсий мактаблар ташкил этиш лозим. Ана шу мактабларнинг пропагандистлари ва тингловчиларига ёрдам тариқасида қуйидаги намунавий ўқув плани тавсия этилади.

ЎҚУВ ПЛАНИ

Темаларнинг номи	Соатлар миқдори
1. 1976—1980 йилларда экономикани ривожлантириш ва халқ фаровонлигини оширишнинг асосий якунлари.	1
2. Мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий вазифалари.	1
3. Фанни ривожлантириш ва техника тараққиётини жадаллаштириш.	1
4. Саноат, транспорт ва алоқани ривожлантириш.	2
КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ	
5. Агросаноат комплексини ривожлантириш.	1
6. Социал ривожланиш ва халқ фаровонлигини ошириш.	1
ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ	
7. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг жойлаштирилиши. Иттифоқдош республикаларни иқтисодий ва социал ривожлантириш.	1
8. Экономиканинг барча бўғинларида бошқарувни такомиллаштириш, хўжалик юритиш даражасини ошириш. Ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш	1

АДАБИЁТЛАР

В. И. Ленин. Ягона хўжалик плани тўғрисида. ТАТ, 42-том, 339—409 бетлар.

КПССнинг навбатдаги XXVI съездини чақириш тўғрисида, КПСС Марказий Комитети Пленумининг 1980 йил 23 июнь қарори «Совет Ўзбекистони» газетаси, 1980 йил, 24 июнь.

Хўжалик механизмини янада такомиллаштириш ҳамда партия ва давлат органларининг вазифалари тўғрисида, КПСС Марказий Комитетининг «Планлаштиришни яхшилаш ҳамда хўжалик механизмининг ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишга таъсирини кучайтириш тўғрисида»ги 1979 йил 12 июль қарори, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1979 йил 12 июль қарори. Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1979 йил.

Халқ хўжалигида меҳнат интизомини янада мустаҳкамлаш ва кадрлар қўнимсизлигини қисқартириш тўғрисида, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг қарори, «Совет Ўзбекистони» газетаси, 1980 йил, 12 январь.

Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида, КПСС Марказий Комитетининг 1979 йил 26 апрель қарори. Тошкент. «Ўзбекистон» нашриёти, 1979 йил.

КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа ўтказиш тўғрисида, КПСС Марказий Комитетининг қарори. «Совет Ўзбекистони» газетаси, 1980 йил 27 июль.

«СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳаси. «Совет Ўзбекистони» газетаси, 1980 йил 2 декабрь.

Л. И. Брежнев. Коммунизм йўлидаги тарихий марра. Тошкент. «Ўзбекистон» нашриёти, 1977 йил.

Л. И. Брежнев. СССР қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тўғрисида. КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил 3 июль Пленумида қилинган доклад. КПСС Марказий Комитети Пленумининг 1978 йил 4 июлда қабул қилинган қарори. Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1978 йил.

Л. И. Брежнев. КПСС Марказий Комитети Пленумида 1980 йил 21 октябрда сўзланган нутқ. Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1980 йил.

ОММА БИЛАН ЖОНЛИ МУЛОҚОТ

Партия XXV съезди қарорларида, КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорида раҳбар кадрларнинг сиёсий ишда, меҳнаткашларни тарбиялашда бевосита иштирокини таъминлаш ленинча анъаналарни ривожлантиришда муҳим ўрин эканлиги таъкидлаб ўтилган эди. Ҳозир бу ажойиб анъана кўплаб партия ташкилотлари ишида ўз ифодасини топмоқда.

Омма билан жонли мулоқатда бўлишнинг энг кенг тарқалган формаларидан бири ягона сиёсий кунларидир. Область партия комитети бундай кунларни ўтказиш учун муайян муддатларни белгилаб қўйган. Ҳозир ҳар ойнинг биринчи сешанба куни ягона сиёсий кун ҳисобланади.

Сиёсий-тарбиявий ишларнинг мазкур формаси фақат меҳнат коллективларинигина эмас, бутун аҳолини бир пайтнинг ўзида идеологик ишларга жалб этиш имконини беради. Кишиларни мамлакатимизда ва чет элларда бўлаётган энг муҳим воқеалардан хабардор қилиш билан бирга бу ягона сиёсий кунларда умумсиёсий масалаларни тушунтириш конкрет хўжалик—сиёсий вазифаларни ҳал этиш билан уйғунлашган ҳолда олиб борилади, шу тариқа партия ташкилотлари меҳнаткашларнинг активлигига мунтазам таъсир кўрсатади.

Ягона сиёсий кунлар ўтказишнинг йўлга қўйилиши амалда идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада ривожлантириш имконини берди. Бу тадбирнинг ғоявий-тарбиявий ишлар сифати ва самарадорлигини оширишга ёрдам берувчи аниқ системаси вужудга келмоқда.

Владимир Ильич Ленин кишиларни воқеалардан хабардор қилибгина қолмай, уларнинг ўзларидан ҳам ўрганиш, долзарб масалаларни ҳал қилиш йўлларини тинмай излаш, таҳқидни тўғри қабул қилиш лозимлигини таъкидлаган эди. Бу омма билан очиқдан-очиқ бевосита партиявий суҳбат ўтказиш, кишиларнинг маслаҳатлари, фикр ва мулоҳазаларини эътибор билан тинглаш, уларга иш манфаати нуқтаи-назаридан жавоб қила билиш, одамлар эҳтиёжини қондириш демакдир. Нотиқлар аввало ҳар бир янгиликдан хабардор, суҳбатга яхши тайёргарлик кўрган, ишлаб чиқариш характери, меҳнат шароитлари билан яхши танишган бўлишлари керак.

Ягона сиёсий кунда докладчилар шаҳар ва районларга бориб, маҳаллий партия, совет, хўжалик активи билан бирга меҳнаткашлар олдида сўзга чиқишмоқда. Ҳар бир докладчи, суҳбатда иштирок этувчи раҳбар ходим ўзи бораётган корхона ёки хўжаликдаги аҳволни олдиндан ўрганади, унинг фаолиятини чуқур таҳлил қилади. Башарти ягона сиёсий кунда муҳокамага бир-гина масала қўйилса, область партия комитети пропаганда ва агитация бўлими докладчига махсус материал тақдим этади.

Ягона сиёсий кунлар области меҳнат коллективларида яхши натижа бермоқда, ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг ўсишига, ишчи ва хизматчилар сиёсий активлигини янада оширишга хизмат қилмоқда. Айниқса, Чирчиқ, Олмалиқ, Бекобод шаҳарларида, пойтахтнинг Акмал Икромов, Ленин, Фрунзе районларида ўтказилган ягона сиёсий кунлар бу жиҳатдан диққатга сазовордир. Мазкур партия ташкилотларида ягона сиёсий кунларни ташкил этишда бой тажриба тўпланган. Бу ерда коллектив учрашув бўлиши тўғрисида бир неча кун аввал хабардор қилиб қўйилади, меҳнаткашларни қизиқтирувчи саволлар тўпланади.

Олмалиқ шаҳрида ўтказилаётган ягона сиёсий кунларда ҳар бир учрашувга таклифнома тарқатилади. Тушадиган саволларни тегишли ташкилотга жўнатиш учун махсус бланкалар тайёрланди. Учрашувларда партиямиз ички ва ташқи сиёсатига оид саволлар билан бирга транспорт, савдо, медицина, маиший ва коммунал хизмат ташкилотлари фаолиятини яхшилаш юзасидан фикр ва мулоҳазалар ҳам билдирилянти. Бинобарин, ягона сиёсий кун фақат юқоридан қўйига ахборот бериш эмас, қўйидан юқорига ахборот олишнинг ҳам энг яхши формаларидан бири бўлиб қолди. Меҳнаткашларни қизиқтирган масалалар кишилар кайфиятини яхшироқ билиб олиш, камчилик ва нуқсонларни аниқлаш, мавжуд проблемаларни ўз вақтида ҳал этиш имконини берди.

Чирчиқда бўлган ягона сиёсий кунлардан бирида «Микрорайон — Капролактам» маршрути бўйича қатновчи транспорт иши, маиший хизмат кўрсатишнинг аҳволи таҳқид қилинди. Шаҳар ижроия комитети таҳқидни ўрганиб, маиший хизмат кўрсатишни ривожлантириш, транспорт ишини яхшилаш бўйича қатор тадбирлар белгилади. Бу эса капролактам бинокорлари меҳнат кўтаринкилигини оширди.

Яна бир мисол. «Узбекхиммаш» заводидаги суҳбатлардан бирида жаҳон тинчлик фондига ўтказиладиган маблағлар қандай сарфланади деган савол тушди.

Шу куни корхонадаги барча цех ва бўлимларда бу масалани тушунтиришга қарор қилинди. Докладчилар, пропагандистлар корхона коллективига халқимизнинг пролетар бирдамлиги, совет давлатининг интернационал моҳияти, партиямизнинг тинчликни мустаҳкамлаш бўйича олиб бораётган жуда улкан ишлари тўғрисида қизиқарли ҳикоя қилиб бердилар.

Чирчиқ шаҳар партия комитетининг справка-информация маркази «Тинчлик ва яратувчилик учун» деган махсус брошюрани чоп этди. «КПСС XXVI съездига — 26 сиёсий декада» кўрик-конкурсида жаҳон тинчлик фондига маблағ тўпланди. Бу тадбирлар яхши натижа берди. 1980 йилнинг 7 ойи мобайнида жаҳон тинчлик фондига 3405 сўм ўтказилган бўлса, биргина ўн куниликнинг ўзида йиғилган маблағ 11 минг сўмдан ошиб кетди.

Меҳнаткашларнинг фикр ва мулоҳазаларига, эҳтиёжларига тез ва тўғри эътибор берилаётгани шикоятларнинг камайишига ёрдам бераяпти. Саккиз ой мобайнида Бекобод шаҳар партия комитети ва ижроия комитетига келган шикоят ва таклиф-истаклар ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 30 процент қисқарганлиги ҳам бунинг ёрқин далилидир.

Эндиликда ўтказилаётган сиёсий кунларда докладчилар «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» тўғрисида КПСС Марказий Комитети лойиҳасини омма ўртасида кенг муҳокама қилиш, доклад ва суҳбатларнинг ғоявий савиясини янада ошириш зарурлигини унутиб қўймоқдалар. Шундай пайтлар бўладики, муҳим, биринчи даражали масалалар қолиб кетмоқда. Расмиятчиликка зўр бериш ҳоллари учраб туради.

Тилга олинган камчиликларни тугатиш, оғзаки сиёсий агитациянинг идеологик савиясини, жанговарлигини янада ошириш партия ташкилотлари олдида турган муҳим вазифаларандир. Партия идеология, сиёсий-тарбиявий ишлар соҳасида, тарбиявий, информацион ва тарғиботчилик ишларига алоҳида аҳамият бериш лозимлигини доимо уқтиради. Энг асосийси — расмиятчиликка қарши курашиш, ҳаммага маълум гапларни кўп қайтармай, амалий иш олиб бориш зарур. Ана шундагина партия сўзи оммага аниқ етиб боради. Раҳбар ходимларнинг кенг меҳнаткашлар оммаси билан жонли мулоқати исталган самарани беради.

Н. ЮСУПОВ,
область партия комитети пропаганда ва агитация бўлими лекторлар группасининг лектори.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ТАРБИЯВИЙ ИШГА КОМПЛЕКС ЁНДОШУВ

ҲУЖЖАТЛАР ТЎПЛАМИ

ФРЕЛИМО партиясининг Раиси, Мозамбик Халқ Республикаси Президенти Самора Мойзес Машелнинг 1980 йил 17—22 ноябрда СССРга қилган визити тўғрисидаги ҳужжатлар ва материаллар тўплами босмадан чиқди.

Тўпламда Л. И. Брежнев ва С. М. Машел ўртоқларнинг нутқлари, Совет-Мозамбик қўшма ахборот ва бошқа материаллар эълон қилинган.

Брошюрани Сиёсий адабиёт нашриёти чоп этди.

(ТАСС).

ҚИРҒИЗИСТОНдаги мовут комбинатида хилма-хил газламалар ишлаб чиқарилади.

Л. Свердлов фотоси. ТАСС фотохроникаси.

● МОСКВА

СССР бадиий академияси архитектура ва монументал санъат бўлимининг пойтахтда очилган кенгайтирилган мажлиси совет шаҳарлари ва қишлоқларининг коммунистик қурилиш ҳозирги босқичидаги эстетик қиёфасига бағишланди. Москванинг бош архитектори М. Посохин доклад қилди. Совет шаҳар қурилишининг ютуқлари тўғрисида ҳикоя қилувчи виставка мажлисга бағишлаб очилди. Мажлис уч кун давом этади.

● ЧЕБОКСАРИ

Новочебоксари 3-ТЭЦида бешинчи турбоагрегат саноат нагрузкаси билан ишлай бошлади. 120 минг киловатт қувватли энергоблок қурувчилар ва энергетиклар шаҳрини иссиқлик ҳамда энергия билан таъминлашни яхшилаш имконини беради.

● КАЛИНИНГРАД

«Эврика» илмий қидирув кемаси Калининград денгиз портидан Антарктика сафарига жўнаб кетди. Балиқ саноати ва океанография илмий тадқиқот институти Атлантика бўлимининг олимлари океаннинг биология ресурсларини тадқиқ этадилар. Экспедиция ер сунъий йўлдошларидан маълумотларни қабул қилувчи ва уларни қайта ишловчи аппаратлар комплекси билан таъминланган.

ЯҚИНДА Норильск конметаллургия комбинатининг Надеждин металлургия заводида учинчи иссиқлик электр станциясининг биринчи блоки ишга тушди. Суратда: блокнинг бошқарув щити.

Ю. Бармин фотоси. (ТАСС).

● ПЕТРОЗАВОДСК

Петрозаводск музикали театри янгирма беш ёшга тўлди. Ана шу йиллар мобайнида Карелиянинг етакчи ижодий коллективи томошабинларни классикларнинг, ҳозирги замон авторларининг кўпгина асарлари билан таништирди. Саҳна усталари маҳаллий композиторлар, шу жумладан СССР халқ артисти Гельмер Синисало билан самарали ҳамкорлик қилмоқдалар. Унинг «САМПО» ва «Қижа афсонаси» балетлари театрнинг ўзига хос ташрифномаси бўлиб қолди.

● НОРИЛЬСК

Чекка шимолда Қутб туни об-ҳавонинг ноқулай келиши билан бошланди: ҳарорат 41 даражада совуқ бўлиб, шамол секундига 10 метр тезликда эсаяпти. Болалар бугун радиодан шу ҳабарни эшитиб, мактабга боришмади, улар уйга берилган вазифаларни бажаришга киришдилар. Лекин ота-оналарининг ишлаб чиқариш ноқулай келиши билан боғланиб, ишларини ташлаб, уйларига қайтишмади. Ҳаммаси ишлаяпти. Ҳаммаси ишлаяпти.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ВОҚЕАЛАР, ФАКТЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

САМИМИЙ КУТИБ ОЛИШГА ҲОЗИРЛИК КЎРМОҚДАЛАР

ДЕҲЛИ, 3 декабрь. (ТАСС). Ҳинд халқи яна бир неча кундан кейин расмий дўстона визит билан Ҳиндистонга келадиган КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневни самимий кутиб олишга ҳозирлик кўрмоқда.

Мамлакатнинг таниқли сиёсат ва жамоат арбоблари ташаббуси билан бугун Ҳиндистон парламентининг марказий залларидан бирида: «Л. И. Брежневнинг Индира Ганди билан учрашуви тинчлик, кескинликни юмшатиш, миллий хавфсизлик, ривожланиш, стабиллик ва тараққиёт йўлида хизмат қилади» деган мавзуда семинар бўлиб ўтди.

Семинар қатнашчилари ўз нутқларида Совет Иттифоқи билан турли соҳалардаги ҳамкорлик Ҳиндистон учун бениҳоя муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидладилар.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг Ҳиндистонга қиладиган визити, унинг Бош министр И. Ганди билан ўтказадиган музокаралари жуда муҳим, тарихий аҳамиятга молликдир, деб таъкидлади Ҳиндистоннинг таниқли сиёсий арбоби С. М. Қосим.

Семинар қатнашчиларининг ҳамма нутқларида Л. И. Брежневнинг Ҳиндистонга қиладиган визити муваффақиятли бўлиб чиқишига ишонч сўзлари айтилди.

Л. И. Брежневнинг Ҳиндистонга қиладиган визитига бағишланиб ўтказилган ҳинд жамоатчилигининг кечасида атоқли сиёсат ва жамоат арбоблари, Ҳиндистон—Совет маданияти жамиятининг активлари қатнашдилар.

Л. И. Брежневнинг визити—Ҳиндистон—Совет алоқалари тарихида катта воқеадир, дедилар кечада сўзга чиққан ҳукмрон Ҳиндистон миллий конгресс(и) партиясидан парламент аъзоси Х. С. Налва, Л. И. Брежневнинг кескинликни юмшатиш жараёнини чуқурлаштиришга, уруш хавфининг олдини олиш учун, куролсизланиш, халқлар ўртасида, шу жумладан Ҳиндистон ва Совет Иттифоқи халқлари ўртасида дўстлик ҳамда ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш учун курашга қўшаётган ҳиссаси Ҳиндистонда юксак баҳоланмоқда.

Л. И. Брежневнинг Ҳиндистонга қиладиган визитига бағишлаб ўтказилаётган тадбирларнинг кенг программаси доирасида Деҳлида совет фильмлари фестивали очилди.

Ҳиндистон — Совет маданий ҳамкорлигининг кенгайтирилиши халқлар ўртасида ҳамжиҳатликни чуқурлаштиришга ёрдам беради, деди фестиваль очилиши тантанали маросимида Ҳиндистон Республикаси парламенти юқори палатаси раисининг ўринбосари Ш. Л. Ядав. Иккала давлат ялпи тинчликни ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшаётганликлари республика жамоатчилиги кенг қатламларини ғоят мамнун этмоқда, деб таъкидлади у. Бу визит, деб уқтирди. Ш. Л. Ядав, дўстлигимизни янада мустаҳкамлашда муҳим босқич бўлиб қолишига ишончим комил.

ТЕЛЕТАЙП ПЕНТАСИДАН

▲ **БУДАПЕШТ.** Венгриянинг кемасозлик ва кран заводида Совет Иттифоқига жўнатишга аталган сузувчи кран монтаж қилиб битирилаяпти. Шу беш йилликда Совет Иттифоқининг буюртмаларига биноан бу ерда 400 тага яқин сузувчи кран ва порт крани, 60 та дарё кемаси ва шатакчи кемалар тайёрланди.

▲ **ПЕКИН.** Хитой Пиночет хунтаси билан иқтисодий алоқаларни кенгайтириб боришда давом этмоқда. Пекинда чиқадиган «Жэньмин жибао» газетаси яқинда Хитойнинг машинасозлик ускуналарини импорт ва экспорт қилувчи компанияси билан Чилининг «Канесса» компанияси ўртасида битим имзоланганлигини хабар қилди.

(ТАСС).

ЧУҚУР ИХТИЛОФЛАР

НЬЮ-ЙОРК, 4 декабрь. (ТАСС). Қўшма Штатлар билан унинг Ғарбий Европадаги иттифоқчилари ўртасида чуқур ихтилофлар мавжуд. Бу ихтилофлар Совет Иттифоқи билан ўзаро муносабат проблемасигагина эмас, шу билан бирга ҳарбий стратегия, Яқин Шарқдаги сиёсат, савдо-сотиқ ва экономика масалаларига ҳам дахлдордир, деб ёзади Америкада чиқадиган «Нью-рипаблик» журнали.

Кўпчилик европаликлар учун, деб таъкидлайди журнал, халқаро кескинликни юмшатиш ҳаётий заруратдир. Европаликлар СҚҲ тўғрисидаги Совет — Америка музокаралари давом эттирилишининг тарафдоридирлар, чунки улар бу музокараларнинг қуролланиш пойгасини тугатишга ёрдам беришидан, шунингдек Европадаги ядро қуролларини қисқартириш йўли билан бу қитъани «ядровий олдинги чизиқ»дан чиқариб олишга ёрдам беришидан умидвордирлар.

ПБИП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ ЎЗ ИШИНИ ТУГАТДИ

ВАРШАВА, 3 декабрь. (ТАСС). Варшавада ПБИП Марказий Комитетининг VII пленуми ўз ишини тугатди. Пленум ПБИП Марказий Комитетининг Биринчи секретари С. Канянинг доклади юзасидан «Ижтимоий ҳаётни янгилаш социалистик характери учун курашда партиянинг вазифалари» деган қарор қабул қилди.

Пленум ПБИПнинг IX фавқулодда съездини 1981 йил биринчи кварталлари охири ёки иккинчи кварталининг бошларида чақиришга қарор қилди. Съездга тайёргарлик кўрувчи комиссия тузилди. Бу комиссияга бошчилик қилиш С. Каняга топширилди. Программавий ҳужжатларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқиш — комиссиянинг асосий вазифасидир. Бу ҳужжатлар съезд олди муносабатларининг диққат марказида бўлади.

Пленум ташкилий масалаларни кўриб чиқди.

Э. Герек ПБИП Марказий Комитети составидан чиқарилди. Пленум партиявий контроль марказий комиссияси зиммасига П. Ярошевичнинг шахсий ишини кўриб чиқиш ва унинг партия сафида қолиш-қолмаслиги хусусида қарор қабул қилиш вазифасини топширди.

Пленум В. Кручек, А. Каркошку, С. Ковальчик ва А. Верблянни ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг составидан чиқарди. А. Верблян ПБИП Марказий Комитетининг секретари вазифасидан ҳам озод этилди.

Пленум М. Мочар ва Т. Грабскийни ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари қилиб, Т. Фишбахни Сиёсий бюро аъзолигига кандидат қилиб, Р. Нейни Марказий Комитет секретари қилиб сайлади.

Ливан жанубидан ҳамон ҳунук хабарлар келиб турибди. Яқинда Исроил авиациясининг ҳиёнаткорона ҳужумларидан сўнг жанубий Ливан шаҳарлари ва қишлоқларида ислиқомат қилувчи ўн мингдаб тинч аҳоли ҳалок бўлди. Суратда: Исроил агрессорлари жанубий Ливанга қилинган ҳужумдан сўнг ўз базаларига қайтаётирлар.

ЮПИ—ТАСС фотоси.

ЕВРОПАДА СОВУҚ ВА ҚОР

ПАРИЖ, 3 декабрь. (ТАСС). Ғарбий Европанинг кўпгина давлатларида қиш одатдан ташқари совуқ келди. Баъзи мамлакатларда йилнинг шу фасли учун рекорд даражасидаги совуқ қайд этилди. Италияда зилзиладан зарар кўрган жанубий районларга совуқ ҳаво тўлқини етиб келди. Италия Альпида ҳарорат минус 20 градусгача тушиб кетди. Умбрия областида қалин қор ёғди, унинг қалинлиги 1 метргача етди.

ГФР ва Бельгияда ҳам ҳаво совуб кетди. Мюнхен районида термометр минус 21 градусни кўрсатди. Испанияда, Мадрид районида ўн градус совуқ бўлиб, қаттиқ шамол эсди. Унинг тезлиги баъзида соатига 90 километргача етиб борди. Қалин қор ёққанлиги ва яхмалак бўлганлиги учун Пиренейдаги кўпгина довонлар ёпиб қўйилди.

Францияда ёққан қор автомобиль йўллари ва темир йўллардаги ҳаракатни жиддий бузди. Ўнлаб қишлоқлар ташқи дунёдан ажралиб қолди. Франция Альпида 30 дан кўп довон ёпиб қўйилди. Австрияда уч кундан бери тинмай қор ёғяпти. Бўйи баъзан 4 метргача борадиган қор кўчкилари мамлакатнинг жуда муҳим транспорт магистралларини тўсиб қўйди.

САНСАЛОРЛИКНИНГ ЧЕКИ БОРМИ?

— ЭРТА-индин пардозлаш фабрикасининг янги маъмурий-маиший корпуси фойдаланишга топширилади!

Бу хушхабарни эшитган пардозлаш фабрикасининг ишчи ва хизматчилари зарарача хурсанд бўлишмади. Қайтага, уларнинг қулоғига бу гап масҳараомуз бўлиб туюлди. Нега дейсизми? Ахир ваъданинг ҳам, ёлғонинг ҳам чеки бор-да. Ҳадеб ваъда берилаверсаю, у амалга ошмаса, кейин ҳеч ким ишонмай қўяркан, рост ҳам ёлғон бўлиб туюларкан. Бироқ ҳозирча ана шу «рости» бўлганича йўқ. Шундоқ қина фабрикаснинг бикинида қад кўтариб турган 8 қаватли кўркам бино пардозловчилар кўзига ҳозир ҳунук кўриняпти.

Бу бинони 1980 йилнинг бошида фойдаланишга топшириш белгиланган эди. Орадан бир йилга яқин вақт ўтяпти. Бу давр ичида унинг ишга туширилиш муддати бир неча марта узайтирилди. Охирги муддат Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллиги арафаси эди. Бу ҳам амалга ошмади. Пардозловчилар учун катта қулайлик туғдириши керак бўлган маъмурий-маиший бино жуда кўплаб қурилиш камчиликлари бўлгани учун ҳамон қуруқ савлат тўкиб турибди. 3 ноябрда фойдаланишга топшириш керак бўлган муддатнинг барбод бўлишига сабаб иситиш тармоғининг қуриб битказилмаганлиги эди. Шунингдек, хоналардаги майда-чуйда участкалар ишга туғатилмаган. Санитария узеллари ўлда-жўлда.

Хўш, бу объект ана шу нуқсонлар туфайли судралиб келаётган экан, улкан комбинатнинг кенг миқёсдаги реконструкциясидаги бошқа объектларда аҳвол қандай? Буни билиш мақсадида пардозлаш фабрикаси қоартириш-мерсеризациялаш корпуси томон юрдик. Бу объектда участка бошлиғи А. Лангевский бошчилигидаги 30 дан ортиқ қурувчи меҳнат қиляпти. Бундан бир неча ой муқаддам мазкур коллектив аъзоларининг фидокорона ишлаб, ҳар бир қурилиш материалига тежамли муносабатда бўлгани туфайли бир неча ўн кубометр тахта ва бошқа материаллар тежалган эди. Бугунчи? Афсус, объектда зерикканидан шунчаки ивирсиб юрган қурувчилар группасини учратдик ва қантариб қўйилган икки кранни кўрдик холос. Қизиқ, ташаббускор бригада ишсизликдан зерикмоқда. Бунинг боисини сўраб участка бошлиғи А. Лангевскийга мурожаат қилдик.

— Бизга ҳар куни 50 кубометр бетон қоришмаси керак, — деди бошлиқ. — Лекин олиб келинаётган қоришма 30, нари борса 40 кубометрдан ошмаяпти. Гоҳида бу ҳам бўлмайди. Шунингдек, энг зарур қурилиш материаллари — 28А3 типидаги арматуралар, йиғма темир-бетон ва бетон устунлар етишмаяпти. Шундай бўлса-да, ҳар ҳолда ишлаяпмиз, —деди кинояли табассум билан участка бошлиғи.

Унинг бу киноясининг бизга тушунарли эди: бу объектда ёз бўйи иш тўхтаб турди. На бирор ишчининг қораси кўринди, на бирон қурилиш материали келтирилди. 15 апреллдан бери ҳеч қандай монтаж ишлари олиб борилмаган эди. Кеч кузда бу объектга ишчи кучи ажратилган бўлсада, Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигининг «Ташпромстрой» трести раҳбарлари уларни зарур материаллар билан таъминлаш ҳақида дурустроқ ўйлаб кўришмаяпти.

16-кўчма механизациялашган колонна қурувчиларининг қилиғи эса дард устига чипқон бўляпти. Улар тайёр котлованни тупроқ билан тўлдириб бериши ва монтаж учун иш фронти ҳозирлаши зарур. Лекин бу вазифани ҳануз бажармаётганлиги учун, тўлгазилмаган котлован устида ҳеч қандай монтаж ишларини олиб бориш мумкин бўлмаяпти.

Қурувчиларнинг қўлини боғлаётган, олтинга тенг қимматли вақтларини ўғирлаётган бу муаммолар ўзининг ечимини кутяпти.

Бу ҳали битта объектдаги машмаша холос. Бош пудратчи — «Ташпромстрой» трестининг қурувчилар отрядлари қурилиш материаллари етишмаслигидан қийналишяпти. Натижада ёрдамчи пудратчи ташкилотларнинг ишчилари ҳам кўпинча бекорчилик азобини тортишяпти. Бунинг устига эрта-индин топширилиши зарур бўлган объектлардаги сон-саноқсиз камчиликлар туфайли деярли тайёр бўлиб қолган объектлар ҳам «қантариб» қўйилган. Масалан, ип фабрикасининг маъмурий-маиший корпуси тайёр бўлганида канализация ишлари ниҳоясига етмаганлиги аниқланди.

Тўқимачилар жуда катта умид боғлаган комбинат реконструкцияси мана шундай аҳволда. Қурилишда нормадаги 300 киши ўрнига атиги 120 киши ишлаяпти, улар ҳам қурилиш материаллари етишмаслиги оқибатида кўп вақтларини бекор ўтказишмоқда. Тўқимачиларнинг ишончсиз нигоҳлари уларга айилдек ботиб, ўлда-жўлда бўлиб қолаётган объектларнинг ҳунук салобати эзаётган бўлса ажаб эмас...

Комбинат реконструкцияси тўла амалга оширилгач, ишчи ва хизматчиларнинг маданий-маиший ҳамда иш шароитлари яхшиланиши билан бирга, ишлаб чиқариш ҳажми ортиши, меҳнат унумдорлиги юксалиши ҳаммага равшан. Бироқ, Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги ва унинг «Ташпромстрой» трести раҳбарлари мана шу давлат аҳамиятига эга муҳим ишга негадир узоқ вақтдан бери эътиборни кучайтира олишмаяпти...

Н. НОРҚОБИЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИ РЕКОНСТРУКЦИЯСИДА

Саида Исломова Тошкентдаги бадиий буюмлар фабрикасида йигирма йилдан бери ишлаб келмоқда. Ҳозирги вақтда у дўппилар учун безаклар тайёрловчи автомат машиннани бошқармоқда. Ҳар сменада топшириқни знёдаси билан адо этяпти. Унинг меҳнат календарида 1982 йил бошланганига анча бўлди. Суратда: моҳир чевар С. Исломова иш устида.

ОҚ ЙЎЛ, ВАТАН ПОСБОНЛАРИ

БАЛОҒАТ ёшига етиб, ўзининг Ватан, халқ олдидаги йигитлик бурчини ўташга отланган кезлар ҳар кимнинг қалбида узоқ сақланиб қолади. Мана, бир неча кундирки, пойтахтимиздаги чақирув пункти одамлар билан гавжум. Бу ер шу кеча-кундузда мисоли улкан тўйхонага айланган. Тонгданоқ пункт армияга чақирилувчилар, уларни кузатишга чиққан ота-оналар, ёру-биродарларнинг хурсандчиликлари, куй ва қўшиқлари билан ўзгача файз тароват кашф этади.

Хизматга кетаётган йигитлар, уларнинг ота-оналари билан суҳбатлашамиз. Мана, қаршимизда соч-соқоллари оппоқ-оқарган отахон ўтирибди. Эшназар ота Соипов Паркент районидаги Энгельс номли совхозда истиқомат қилади. У бугун ўзининг 27-неварасини ҳарбий хизматга кузатмоқда.

— Биз не-не даҳшатли кунларни бошдан кечирмадик,— дейди отахон,— бахтли ҳаётимизга етишиш учун жангларда қанчадан-қанча одамлар жонларини фидо қилишди. Ана шундай меҳнатлар эвазига эришилган тинч ва осуда ҳаётимиз хавфсизлигини таъминлаш ҳар бир йигитнинг Ватан олдидаги муқаддас бурчи бўлиб қолган. Армия — ҳаёт мактаби. Ўз фарзандларимдан қиёс. Улар тинч хизмат даврида ҳарбий билимларни пухта эгаллаб, чиниқиб камол топиб қайтишди. Бугунги кунда менинг беш неварам — Тоштемир, Рустам, Ҳамдам, Имомжон ва Собиржон Гойпназаровлар Совет Армияси ' сафида ўз йигитлик бурчини ҳалол ўтамоқдалар. Уларнинг сафига уколари Бекназар ҳам қўшилмоқда.

Одамлар оқимидан аста пункт ичкарисига кирамиз. Тепасига «агитпункт»— деб ёзиб қўйилган эшик олди айниқса гавжум. Кираверишда доҳиймиз В. И. Ленининг социалистик Ватанни қўриқлаш ҳақидаги отошин сўзларига кўзимиз тушади. Юртдошларимиз қандай хизмат қилаётганини кўрсатувчи витриналар ҳам кишини ўзига жалб қилади. Залнинг юқори қисмида эса Улуғ Ватан уруши йилларида кўрсатган жасоратлари учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони — деган юксак номга сазовор бўлган ўзбек жангчиларининг суратлари териб қўйилган.

ЧАҚИРУВ ПУНКТИДАН РЕПОРТАЖ

— Чақирилувчилар билан,— дейди биз билан суҳбатда область чақирув пункти бошлиғининг снёсий ишлар бўйича ўринбосари Игорь Викторович Сизов,— турли мавзуларда суҳбатлар, Граждан уруши ҳамда Улуғ Ватан уруши қатнашчилари билан учрашувлар ўтказиб турамиз. Уларни ҳозирданоқ ҳарбий интизомга ўргатиб борамиз. Юридик консультациялар ҳам ўтказилади. Шу кунгача бундай учрашувлар 12 марта уюштирилди.

Мана шундай учрашувлардан бири Улуғ Ватан уруши йилларида йигитларимиз билан бир сафда жон олиб, жон берган Шарофат ая Эшонхўжаева билан бўлиб ўтди. У ўзининг хотираларини сўзлаб берди.

...Ҳарбий хизматга чақирилиш муносабати билан уюштирилган митинг бошланди. Митингни Ўзбекистон ССР Ҳарбий комиссарининг ўринбосари Т. А. Аҳмадхўжаев очади. У йигитларни шавкатли Совет Армиясининг Қуролли Кучлари сафига қўшилганликлари билан қизғин табриклайди...

Сўнгра минбарга Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, тўрт жанговар орден ва кўплаб медаллар эгаси, ҳозирги кунда Тошкент районидаги 6-ўрта мактабда бошланғич ҳарбий таълимдан дарс бериб келаётган истеъфодаги лейтенант Муҳаммаджон Ориповнинг сўзи берилади.

— Ўғилларим, бугундан бошлаб сиз Ватанимиз посбонлари ҳисобланасиз. Совет халқи Сизга юксак ишонч билдириб қўлингизга қурол топширади. Сиз она-Ватаннинг ана шундай ишончини оқлашингиз керак. Қайси қисмда хизмат қилманг, орқангиздан фақат раҳмат эшитайлик. Қаерда хизмат қилсангиз ҳам сизга «оқ йўл» тилаб қолаётган ота-онангиз, коллективингиз ишончини оқланг.

Ўз йигитлик бурчини ўташга отланганлар номидан 83-ҳунар-техника билим юртининг талабаси, бўлажак қурувчи Рифат Бодуров сўз олади. У оталар анъанасига содиқ қолишга, Ватанимизнинг ҳар қарич ерини кўз қорачиғидек қўриқлашга сўз беради.

Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси гимнлари янграйди. Совет Қуролли Кучларининг бўлажак ўринбосарлари йўлга отланадилар. Оқ йўл, Ватан посбонлари!

Ф. МУҲИДДИНОВ.



Октябрь районида 3-ҳаммом—кир ювиш комбинатига қарашли янги ҳаммом ишга туширилди. Бу ерда чойхона, сартарошхона ва бошқа маиший хизмат шохобчалари ҳам бор.

И. Глауберзон фотолари.

ҲУЖЖАТЛИ ЛЕНТАЛАР—ЭКРАНГА

Барча санъаткорлар қатори ўзбек киноҳужжатчилари ҳам партиямизнинг бўлажак XXVI съездига муносиб совға тайёрламоқдалар. «Ўзбекфильм» киностудиясида 1971 йилдан бери актёр сифатида ижод қилиб келаётган, томошабинларга «Унинг исми Баҳор», «Учрашув ва айрилиқ», «Курашчилар», «Сиёвуш ҳақида достон», «Қуролланган ва ўта хавфли», «ХХ аср қароқчилари» каби қатор фильмлар орқали таниқ бўлган Талгат Нигматулин Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар студиясида ўзининг беозор қуш—турналарнинг инсонлар билан дўстлиги ҳақида ҳикоя қилувчи «Гопи» номли картинасини яратди. Фильмни тажрибали оператор О. Ризаев суратга олган.

Худди шу студияда қобилиятли киноҳужжатчи, сакондан ортиқ илмий-оммабоп ва ҳужжатли картиналар яратган Валерий Погосьянц «Собирнинг қиличи» деб номланган фильм ишлади. Мазкур асар таниқли ўзбек спортчиси қиличбозлик бўйича жаҳон чемпиони Собир Рўзиев ҳақида ҳикоя қилади.

«Оқ қўйлак» деб аталган картина ҳам мазкур студияда С. Благов сценарийси асосида режиссёрлар М. Қаюмов ва Ҳ. Иброҳимовлар томонидан яратилди. Бу киноасар улкан бойлигимиз ва ифтихоримиз бўлган «оқ олтин» мавзуида бўлиб, унинг бунёдкорлари — заҳматкаш пахтакорлар меҳнатини улуғлайди.

Ўзбек киноҳужжатчилари яратган мазкур картиналар партиямиз съездига муносиб совға бўлади.

А. ОРТИҚБОЕВ.

МАКТУБ ЙЎЛГА ЧОРЛАДИ

ҲАҚЛИ ТАЛАБ

Собир Раҳимов районидаги 4-тери-таносил касалхонасини топиш осон бўлмади. Бири-биридан тор, лой кўчалардан ўтиб, аҳлат уюмлари тўкилган ялангликка чиқдик. Касалхона ана шу территорияда жойлашган экан. Шифохона дарвозаси томон ўтиш учун шим почаларини шимаришга тўғри келди. Йўқ, бу муболаға эмас. Касалхона атрофидаги хонадонлардан чиққан чиқинди сувлар ёмғир суви билан қўшилиб қўлмак ҳосил қилган эди.

— Пигирма йилдан бери шу азоб, — дейди йўлдан уйи томон ўтолмай турган кекса отахон. — Ҳар йили тузатамиз деб ваъда беришади.

Кимдир ўтган қишда тиззадан ботиб кетган ўғилчасини аранг лойдан олиб чиққанини айтиб нолиди. Чиндан ҳам касалхона беморларининг редакцияга ёзган хатлари ўринли экаилигига ишонч ҳосил қилдик.

Беморлар ва уларнинг олдига келувчилар йўл азобидан безор бўладилар. Улар бу ҳақда район ижроия комитети, район соғлиқни сақлаш бўлимидагиларга ҳам билдиришди. Аммо натижа бўлмади.

Беморларни безовта қилаётган яна бир нарса касалхона атрофидаги кўчаларда аҳлатлар уюмининг кўпайиб бораётганлигидир. 10-автодормехбаза чиқинди ва аҳлатларни ўз вақтида ташиб кетмаяпти. Энг ачинарлиси ана шу ботқоқ, ифлос кўчалардан боғча болаларн юролмай қийналяпти.

Собир Раҳимов район ижроия комитетидаги ўртоқлар тез орада бу йўлларни «зиёрат» қилиб, шифохона ходимлари ҳамда шу ерда жойлашган аҳолига ёрдам қўлини чўзадилар, деган умиддамиз.

З. МУҲАММАДЖОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Спорт

ҚИЙИН ҒАЛАБА

Тошкент Давлат университети баскетболчилари бундан икки ҳафта муқаддам Тбилиси шаҳрида маҳаллий «Динамо» командаси билан бўлган ўйинда 92:87 ҳисобида ён беришган эди. Бундан спортчиларимизнинг ўзлари ҳам, мухлислар ҳам унчалик ранжимаган эдилар. Негаки, мамлакат чемпионатида энг кучли клублардан ҳисобланган ва чемпионлик шохсупасига кўтарилишга ҳам муяссар бўлган грузин баскетболчиларидан кўп нарсани ўрганса бўлади.

«Ёшлик» спорт аренасида бу командалар ўртасидаги такрор учрашувда ҳам командамиз аввалига ҳисобда орқада борди. Биринчи бўлимни тошкентликлар 7 очко фарқ билан ютқаздилар. Иккинчи бўлим бошланиши билан актив ҳужумга ўтган «Университет» орадаги фарқни 3 очкога камайтиришга муваффақ бўлди. Марказий ўйинчи Валерий Филюшкин, Григорий Авдеев ва Дмитрий Сухаревлар рақиб ҳалқасини узоқдан аниқ нишонга олдилар. Иккинчи бўлимда меҳмонлар қанчалик олдинга ўтиб олишга уринмасинлар майдон эгалари фарқни камайтира бориб, бир неча марта ҳисобни тенглаштиришга ҳам муваффақ бўлдилар. Ўйин вақти тугаганда таблодаги рақам 70:70 эди.

Қўшимча берилган 5 минутда грузин баскетболчилари яна олдинга ўтиб олишди. Лекин тезда командамиз вазиятни тенглаштирди. Бу вақтга келиб етакчи ўйинчиларимиз беш марта огоҳлантириш олгач, майдондан чиқиб кетишган ва улар ўрнига ёшлар тушган бўлишига қарамай, «Университет» ҳужумга зўр бериб, муҳим ғалабани қўлга киритди. 78:75. Кўп сонли мухлислар командамизнинг кучли рақиб устидан қозонган қийин ғалабасидан мамнун бўлдилар.

ИККИ ЮТУҚ

Олмаота шаҳрида волейбол бўйича олий лига командалари мамлакат 43-чемпионати ўйинларини давом эттирмоқдалар. Бу ерда 6 команда — мамлакат чемпиони «Уралочка», Москванинг «Динамо», Одессанинг «Медин», Минскнинг «Искра», Олмаотанинг АДК ва Тошкентнинг «Автомобилист» командалари куч синашмоқдалар.

Олий лиганинг бошқа 6 командаси — ЦСКА, Ворошиловграднинг «Искра», Ленинграднинг ТТУ, Москва областининг МОПИ, Киевнинг «Сокол» ва Новосибирскнинг «Кировец» командалари эса эртага Ворошиловград областида мусобақаларни бошлайдилар.

Тошкентнинг «Автомобилист» волейболчилари биринчи турда майдон эгалари Олмаота уй қурилиши комбинати командаси билан учрашиб, 3:2 ҳисобида ғолиб келишди. Иккинчи турда эса ҳамшаҳарларимиз Одессанинг «Медин» коллективини 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратдилар.

Мамлакат чемпиони «Уралочка» ҳам иккита ғалабага эришди. Свердловск волейболчилари Москванинг «Динамо» ва Олмаотанинг АДК командаларини енгдилар.

Тошкентликлар кеча «Динамо» командаси билан учрашишди. Бугун дам олиш куни. Ҳамшаҳарларимиз кейинги ўйинларни Минск ва Свердловск волейболчилари билан ўтказадилар.

ОЧКОЛАРНИ БЎЛКШИБ ОЛИШДИ

Тошкентнинг «Бинокор» хоккейчилари навбатдаги учрашувларни Усть-Каменогорскнинг «Торпедо» командаси билан ўтказиб, очколарни бўлишиб олди. Биринчи ўйинда меҳмонлар 5:4 ҳисобида, такрор учрашувда эса майдон эгалари 7:4 ҳисобида ғалабага эришдилар.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«ТРАНСПОРТ КУНДА КЕРАК»

Газетамизнинг шу йил 29 октябрь сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган танқидий мақолада «Пахтакор» метро станцияси ва ТошМИ янги клиникаси ўртасида қатнаётган 1-сон маршрут таксиларнинг якшанба кунлари юрмаслиги танқид қилинган эди.

Тошкент шаҳар пассажир автотранспорти ишлаб чиқариш бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари ўртоқ Б. Г. Киршенбергнинг редакциямизга йўллаган жавоб хатида айтилишича, мақола «Главташпассавтотранс» коллегиясида муҳокама қилинган. Жавоб хатда чунончи, шу йил 7 ноябрдан бошлаб «Пахтакор» метро станцияси — ТошМИ клиникаси оралиғида 1-маршрут таксиси қатнови якшанба кунлари ҳам йўлга қўйилгани хабар қилинади. Ҳозирги кунда мазкур маршрутда тўрта микроавтобус ҳар 11-12 минутда қатнаб турибди.





Суратда: Чинозда фойдали нишга топширилган янги картодромда картингчиларнинг кўргазмали мусобақалари.

Л. Гусеннов фотолари.

Редактор ўринбосари С. МУСАЕВ.

Бизнинг ахборот

ДИДГА МОС

Республика модалар уйи ходимлари тикувчиларга келгуси йилда ишлаб чиқиш учун мингга яқин замонавий моделдаги либослар тайёрлаб беришади. Улар орасида расмга кириб бораётган аёлларнинг духоба, чий духобадан тикилган пальтолари, жун материаллардан тайёрланадиган турли либослари бор.

Янги моделли либослар харидорлар эҳтиёжини ўрганиш учун дастлаб 300—500 донадан ишлаб чиқарилади. Улар харидорларга маъқул тушса, бу либосларни кўплаб ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Модалар уйи ходимлари Тошкент тўқимачилари, «Учқун» тўқимачилик галантерея бирлашмаси, тажриба фурнитура заводи ва Ўзбекистон савдо фирмаси бирлашмаси ходимлари билан ҳамкорликда иш олиб боратирлар. Шу туфайли ишлаб чиқарилаётган либосларнинг бежирим ва киши дидига мос бўлишига эришиляпти.

ОИЛА БИЛАН — ДАМ ОЛИШГА

Ҳар шанба ва якшанба кунлари Олмалиқдаги В. И. Ленин номли кон-металлургия комбинати ишчи-хизматчилари ўз оилалари билан дам олишга отланишади. Бу ерда улар учун барча қулайликларга эга бўлган коттежлар қурилган. Уларнинг ҳар бирида 2—3 тадан хона бўлиб, комбинат ишчи-хизматчилари оилалари ҳордиқ чиқаришига ҳамма шароитлар яратилган.

Дам олувчилар тоққа саёҳатга боришлари мумкин. Дам олиш зонасида спорт майдончаси мавжуд.

Оила билан дам олиш кончилар ва металлургларга ғоят маъқул тушмоқда. Шунинг учун дам олиш кунлари оромгоҳ гавжумлашиб кетади.

РАЙОН ҚУРИЛИШЛАРИДА

Кейинги йилларда Тошкент районн жамоли жуда ўзгариб кетди. Янги замонавий турар-жой ва маъмурий бинолар қад кўтарди. Бу ерда биргина 54-механизациялашган кўчма колонна бунёдкорларининг ўзлари ўнинчи беш йиллик давомида катта ҳажмда қурилиш-монтаж ишларини бажардилар.

Ўнинчи беш йилликда қурувчилар К. Маркс номли колхоз аъзоларига янги мактаблар ва боғча совға қилишди. «Тошкент» совхозида 25 минг бройлерга мўлжалланган товуқхона бунёд этилди. Райондаги бошқа қатор хўжаликларда, Келес шаҳрида ҳам шундай объектлар фойдаланишга топширилди.

Шу кунларда колонна коллективи КПСС XXVI съезди шарафига социалистик мусобақани авж олдириб юборди. Хўжалик ҳисобидаги бригадалардан Т. Ҳасанов ва Ю. Комилов бошчилигидаги бинокорлар ўрнак кўрсатиб меҳнат қилиб, янги муваффақиятларни қўлга киритишяпти.

М. ЗАРИПОВ.

Реклама ва эълонлар

Тошкент давлат циркида
10 ДЕКАБРДАН БОШЛАБ
ЯНГИ ПРОГРАММА
АРЕНАДА — МОСКВАЛИКЛАР
Наталья РУБАНОВА раҳбарлигидаги
«ИЛЛЮЗИЯЛИ КАЛЕЙДОСКОП»
(2 бўлимдан иборат катта программа)
манежда масҳарабозлар группаси: Анатолий ЛЯДНЕВ, Петр РАЕВ, Владимир ЧУХНАКОВ, Виктор ВИЛИМОВИЧ.
КОЛЛЕКТИВ ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.
Касса соат 10.00 дан 20.00 гача ишлайди.
Справкалар учун телефонлар: 44-35-84, 44-35-91.

Узбекистон Давлат филармонияси
СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
10, 11 декабрь соат 19.00 да
Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист
Қамолиддин РАҲИМОВ
ИШТИРОКИДА
КОНЦЕРТ
ҚАТНАШАДИЛАР:
М. Корнёқубов номидаги Узбек Давлат филармониясининг
«ГЎЗАЛ» АНСАМБЛИ
Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва ҚҚАССР халқ артисти
Гулшод ОТАБОЕВА
Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва Узбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати
Қизлархон ДУСТМУҲАМЕДОВА
Солистлар: Санобар РАҲМОНОВА, Тоштемир ТОИРОВ, Гулнора ОДИЛОВА, Улмасхон НУРМАТОВА.
Сатира, юмор, фельетон ва интермедия ижрочилари:
Ҳасан ИЎЛДОШЕВ, Абдуфаттоҳ САИДОВ.
ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛГУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ
Программани — Ойдин ТОҲИРОВА олиб боради.
«ГЎЗАЛ» ансамблининг бадиий раҳбари — композитор Султон АНВАРОВ.
Музика раҳбари — Туйғун ОТАБОЕВ.
Билетлар Свердлов номли концерт зали кассасида соат 14.00 дан сотилади.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ОРЖОНИКИДЗЕ РАЙОНИДАГИ
21-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1980—1981 ўқув йили учун
ҚУШИМЧА
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
Билим юрти 1962 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалигида ишлаш учун юқори малакали кадрларни тайёрлаб келади.
Малакали ишчилар тайёрлаш учун билим юртида барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Ўқув кабинетлари барча замонавий асбоб-ускуналар, кўргазмали қуроллар ва техникавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Танланган касбингиз бўйича барча ўқув қуроллари мавжуд бўлиб, касбингизни эгаллашга имкон беради. Барча ўқувчилар стипендия, уч маҳал бепул иссиқ овқат, кийим бош ва ётоқхона билан таъминланадилар. Билим юртида бадиий ҳаваскорлик тўгараги, фото, футбол, волейбол, баскетбол, кураш, бокс, стол тенниси мунтазам ишлаб турадн. Алоҳида футбол майдони, отиш тири мавжуд.
Ўқиш давомида ўқувчилар Ватанимизнинг гўзал ва қаҳрамон шаҳарларига экскурсияларга борадилар. Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар олий ўқув юртларига ўқишга конкурссиз кириш ҳуқуқига эга бўладилар.
Ўқиш муддати 3 йил. 8-синфни битирган йигит ва қизлар имтиҳонларсиз қабул қилинадилар.
Билим юртида қуйидаги касбларни эгаллашингиз мумкин: ничик ветеринар, фельдшер, мева-сабзавотчилик бўйича мутахассислар, автослесарлар, кенг ихтисосли тракторчи-машинистлар. Шоферлик, автослесар-тракторчи гувоҳномалари ҳам берилади.
Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, таржимаи ҳоли, 8 ёки 10-синфни битирганлиги ҳақидаги шаҳодатнома ёки аттестат, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, турар жойидан справка, 8 дона 3х4 см. ҳажмдаги фотосурат, ота-онасининг иш жойидан справка.
Бизнинг адрес: Тошкент область, Оржоникидзе — райони, «Геофизика» поссёлкаси (Тошкент шаҳридан 1, 16, 24, 112 автобусларда, «Троицкий поворот» бекатигача, 20, 89-автобусларнинг «1 Қорасув» бекати).

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.50 — Гимнастика. 10.15 — Мультфильм. 10.25 — Ёш спортчининг катта майдони. 10.55 — Айиқ териси сотилади. Бадиий фильм. 12.00 — Г. Чохели куйлайди. 12.45 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Кинопрограмма. 16.20 — Асли болаликдан. 17.00 — Концерт. 17.15 — Москваликлар — партия съездига. 17.45 — СССР ва Афғонистон Демократик Республикаси ўртасида дўстлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланганлигининг йиллигига. Афғонистон артистларининг концерти. 18.15 — Ёшлар адреслари. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.35 — КПСС XXVI съезди олдидан. 20.30 — Концерт. 21.30 — Время. 22.15 — Балет ҳақида. 23.20 — Дунё воқеалари 23.35 — Чет эл эстрадасининг куйлари ва оҳанглари.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I

11.30 — Дадамнинг хотини. Болалар учун фильм. 11.45 — Ҳужжатли фильм. 12.45 — Қўқон воқеаси. Бадиий фильм. 2-серия. 18.20 — Болалар учун фильм. 18.45 — «Зангори экран» почтаси. 19.15 — Партия ходими минбари. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ёзувчи Ю. Ильинский — студиямиз меҳмони. 20.10 — Дунё воқеалари. 20.30 — Ахборот. 20.50— Концерт. 21.30 — Время. 22.15 — Қўқон воқеаси. Бадиий фильм. 3-серия.

II

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Сиртдан ўқиётган студентлар учун. 20.55 — Тошкент область Оржоникидзе райони чорвадорлари ҳузурида. 21.25 — Физика. 22.25 — Ўрмон қиссаси. Бадиий фильм.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 5|XII да Соқов рицарь, 6|XII да Ғариблар.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «ШИМПАНЗЕЛАР ЦИРКИ» аттракционининг ҳайрлашув гастроллари (19.30).

Тошкент область нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича бошқармаси коллективи қатта экономист Н. Ҳ. Турсуновга отаси

Ҳабибулла ТУРСУНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П. ЛЕНИН кўчаси, 41. Телефонлар: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь —334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиёт ва санъат—325767; совет қурилиши — 325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553; фотомухбир — 325894.

Р. 17842. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64633. Б. 1744.